


827
E-93



Күхнә. ДУНӘ

О Д И Л Ё Қ У Б О В

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока


Количество предыдущих
выдач _____

--	--

24

821
E-93

-8090-



Кухня ДУНЁ

О Д И Л Е К У Б О В

ИЛТИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ

821
E-93

ЎЎК: 821.512.133(092)
КВК: 84(57)6

№ - 93

Ёқубов, Одина

Кўхна дунё: роман / Одина Ёқубов. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. - 432 б.

ISBN 978-9943-20-515-4

Одина Ёқубовнинг ушбу асари 1982 йилда ёзилган. Орадан шунча фурсат ўтиб, уни қайта нашр этишимиздан мақсад - улуғ адибларимиз Аб-Беруний ҳамда Ибн Сино ҳаёти ва фаолиятини бугунги кун ўқувчисига таништириш, улардан ҳаётини ва маънавий сабоқ олишдир.

Адиб асарда икки буюк олимнинг болалиги, улар яшagan ижтимоий муҳит, ёшлик йиллари, нақ севгисидан тортиб, даҳо ижодкорга айланишунча бўлган даврни жонли ва рангли буюкларда тасвирлайди. Уларнинг нам-фан тараққиётига кўшган буюк ишларини умумлаштиришга ҳаракат қилади. Ҳар икки улуғ аждодимизнинг ҳаёти ва фоживаи тақдирини бугунги кун ўқувчисини бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

ЎЎК: 821.512.133(092)
КВК: 84(57)6

ISBN 978-9943-20-515-4

© Одина Ёқубов, «Кўхна дунё», «Янги аср авлоди», 2018 йил.

БИРИНЧИ БОС

Шоирнинг асли исми - Қутлуғқадам. Аммо ҳеч ким буни билмайди. Фазнада у Малик аш-шароб, авомчасига эса Малик уа-шароб, яъники ғариб майхўрлар султони деган ном билан маълум ва машҳур.

Ғариб қулубаси эса ғарчи султон Маҳмуд Фазнавий қасралари билан тенглаша омаса ҳам, доврўғи бутун дорус-саатанатга¹ кетган. Шоирнинг қулубаи вайронаси шаҳарнинг энг чежқасида, Боғи Фируз ва Боғи Маҳмуд каби кўркам боғлар, Осмон маали-қаси каби мармар қасралар, Кўпқи давлат ва Кўпқи маъмур каби тиллақори саройлар, лажувард тум-базли мухташам масжид ва миноралар, сершовкин бозорлар, қарвонсаройлар, бир-бирига туташиб кетган обод расталар, қумуш фавворалар ўрнатилган гулзор ва майдонлардан йироқда, таловлар ва йўқсимлар макони бўлмиш Афшон шоа² даҳасининг хиават бир бурчагида жойлашган. Лекин бу қаш-шоп қулубанинг ўзига хос оҳанрабоиси бор - у мулма мирқуруқ шоирлар, «Чикитга чиққан» хонанда ва созандадар, саройлардан қувилган мунажжимлар, амирлар қаҳрига йўлиққан сарбозлар, қочқин гуломларнинг суюкли маконига айланган.

Кечалари бу маконга оқиб келаётган факиру ҳақирлар ғарчи чўнтагида сарик чақаси бўлмаса ҳам, ўз доврўғи, ўз гурурига эга. Машшоқлар дав-

¹ Дорус-саатанат - пойтахт.
² Афшон шоа - қадимий Фазна



Расидлаги сеторчи, шунчаки сеторчи эмас, баки Бобо Сеторий деб чакирилади, фикжакчиси олдий фикжакчи эмас, Пири Фижжакчий, хофиз шунчаки хофиз эмас, Бобо Хофиз, Бубулий, шоир бўлса назм аҳмининг султони ёхуд маликула калом, деб аталади. Ҳатто, най бобида уста си фаранги турганжлик³ букри аттор ҳам олдий букри эмас, баки Пири Букрий номи биан донг чиқарган.

Музаффар амир Сабуктегиннинг содиқ надиими Қорағулумдан қолган.

Малик уа-шаробнинг ўзи ҳам ёшлитига султоннинг сулокаи надиими бўлган, аммо ўн тўрт яшар бир малак важдан ўсмирлик чоғларидаёқ оралари бузилган. Агар ўша офатижон санам бўлмаганида, хофир, эҳтимол, султоннинг суянган тоғи ёхуд энг яқин дашкарбошиси бўлармиди? Хўш, шунда нима ютарди? Боши осмонга етармиди? У бу норасо дунёнинг устуни бўлармиди? Ундан кўра хофирга-дай майини ичиб, кўнглини хушлаб юргани минг чандон яхши эмасми?

Малик уа-шароб шарбат ва май қилиш хунарини хиротлик кекса бир боғондан ўрганган. Йиллар ўтиб, бу ишда шундан устаси фаранг бўлдики, унинг шарбатини ичгани нафақат юпун шоирлар ва йўқсиллар келишди, баъзан манман деган бек ва беқзодавар, ҳатто, Абу Райҳон Беруний каби алаомадлар, тоҳи-тоҳи эса султоннинг сулокаи малҳия-бози, шоир Унсурий ҳам қадим ранжиди қилди, ҳатто, амир а-мўминининг эркатой вазири, майпарастлик ва фоҳишабозликда ягона бўлмиш Абул Ҳасанакнинг ўзи ҳам унинг майига пинҳона одам юборди...

Рост, баъзан бозор мутасаддиллари, айниқса, Мозори калон шайхлари уни шаккокликда айблаб, Фазнадан қувмоқчи ҳам бўлишди, бирок Қутлуғқа-

³ Турганч – қадимий Хоразм пойтахти.

Книга должна быть возвращена не позже указанного здесь срока

Количество предъявленных выданных

20.09.22
3.10.22
10.10.22

Беш йил муқаддам, сабаб ёш Маҳмуданида, унга «бошқа армон қилган. Шундай уа-шароб ҳардаги суҳбатлар, кеа бошлашди. паванд гадолар, жаҳ дарвешлар азм шайдолари жойлашшди. ан икки сайёҳ ёши эмалклар-гўйлови ўзига и устидан оқ қалпоқчаси олган алаоманалар кибфасидати

Содик майхўрлари кибжакчий пайдо бўлишди. олган бўлса ҳам, соқла-мўйдиган Бобо Хофиз Бубулий деган, ўзи пақанагинна бўлса ҳам бинандир катта қора ўргимчакка ўхшаб кетадиган кекса найчи кириб келишди.

Овлақ Хоразмдан, Абу Райҳон Беруний юртидан келган Пири Букрий Фазнада атторлик қилди. Афшон шо бозоридagi атторлик растасида унинг ўз дукони бор. Бу мажруҳ найчи тўғрисида шаҳарда ҳар хил мишмишлар юради. Туё у ўғрилик моллар, олтин ва жавоҳирларни сотиб олар эмиш, ўзиням

беҳисоб бойликлар соҳиби эмиш, деган гаплар бор. Бу мишмишларнинг қайсиси чин, қайсиси ёлгон – ёлғиз Аммохта аён. Ҳар қалай, Малик уа-шароб бу мишмишларнинг ҳеч бирита ишонмайди, билъақс, уни «Худо урган, пайғамбар эса асо билан туртган» бир банди ногирон, деб билади ва унга раҳм қилади. Пири Букрий ҳам унинг бу меҳри саховатини яхши қадрлайди. Ҳар қалай, тақдир тақозоси билан Турганждан кеалибдики, Малик уа-шароб билан биродарлик қилади, салкам ўн беш йилдан бери ҳар оқшом унинг майхонасига кеалиб, най чалади, шундай чаладики, баъзан ўзи ҳам йиғлаб, бошқаларни ҳам йиғлатади. Шундай пайтларда кекса атторнинг қабри алақандай тизгинсиз дардларга тўла экани аён бўлади-ю, одамлар у тўғридаги мудҳиш мишмишларни унуттишади...

Бундан яқин бир ой аввал Пири Букрий Малик уа-шаробга нозик бир илтимос билан мурожаат қилган. Малик уа-шароб эса илтимоснинг нозиклиги сабаб унга рад жавобини беришдан бошқа чора топмаган эди. Шундан бери Пири Букрий майхонадан оёғини тортиб қолган, Малик уа-шароб бўлса, эски қадрдонини ранжитиб кўйганидан пинҳона эзилиб юрарди. Бутун унинг Ҳофиз Булбулий билан бирга кириб келганини кўриб, шундай қувониб кетдики, ертўладан ўн йиллик шарбат солинган катта бир хумни кўтариб чиқишларини шогирдларига буюрди. Бу гапни эшитган фақирлар:

- Омад ёр бўлсин Малик уа-шаробга!
- Бери ўн бўлсин Малик уа-шаробнинг! – деган хитоблар билан ғира-шира мусофирхонани бошла-рига кўтаришди.

Бир маҳаллар май ичишда ҳеч ким Малик уа-шаробга бас келолмас эди. Бироқ сўнгги йилларда ёши олтиншдан ошиб, кўзидан нури, белидан қуввати кета бошлагандан бери Малик уа-шароб кам ичар, у

кўнроқ бошқаларни меҳмон қилиб, тулғун суҳбатлар қуришдан завқ оларди. Яхши ғазал ўқиган, яхши кўй чапган ёки қизик хангома сўзлаб берган кимса бир коса текин шарбат билан тақдирланаар, бу эса мушоирани завқ-шавққа тўлдириб юборарди. Лекин бутун нима ҳам бўлди-ю, Малик уа-шаробнинг ўзи ҳам бир хўпдам, ярим хўпладан олиб ўтириб, ширакайф бўлганини сезмай қолди. Авваламбор, бир ойдан бери аразааб юрган эски қадрдони Пири Букрий ўз оёғи билан кириб келди, келди-ю, Пири Фижжакийга жўр бўлиб, найда шундай бир куй чалдики, шарбатхонада йиғламаган бир кимса қолмади. Қолаверса, меҳмон бўлиб келган икки сайёх Хуросондан, назм аҳлининг султони Абулқосим Фирдавсий юртидан экан, гап айланиб «Шоҳнома»га бориб тақалди. «Шоҳнома»дан Маҳмуд Ҳазнавийга, ундан шoirнинг султон ҳақидаги машхур ҳажвигга ўтди-ю, суҳбат гўё шабада теккан тулҳандай довилаб кетди. Биров шoirга ҳамду санолар ўқиб, «Шоҳнома»ни кўкарга кўтариб мақтаса, биров аксинча: «Агар Абулқосим Фирдавсий доно бўлса, нечун ижодининг тултожи бўлмиш «Шоҳнома»ни ўзи суйлаган султонга инъом этди?», деб таъна қилди. Яна биров эса шаккок гаплардан чўчиб, ўзини четта олди, ҳатто секин тисариллиб, қуабани шарпасизгина тарк этганлар ҳам бўлди.

Малик уа-шароб бошида қулоқсимон эски қалпоқ, этгида эски бўлса ҳам гард юкмаган тоза бўз яктак, шoirона тўзиган соқол-мўйловларини тутамлаб, майхона аҳлининг бетартиб баҳс-мунозараларига жимгина қулоқ солиб ўтираркан, кўз олдига лоп этиб устод Абулқосим Фирдавсий келди.

Ёлдида бор: Абулқосим Фирдавсий, – Аммоҳ ундан рози бўлмай! – Ҳазнани тарк этишдан аввал унинг қуабан вайронасига ташриф буюрган эдилар. Ташриф буюришларидан бир кун аввал эса

шаҳарда ажиб бир гап тарқалган эди. Биров султон Маҳмуд уа назм султонига катта лутфу эҳсон кўрсатиб, «Шоҳнома»нинг ҳар мисрасига бир тилмадан ҳақ тўлабди, деса бошқа бировлар, билъакс, султон буюк шоирнинг қадрига етмабди, ҳатто эгнига саруло ҳам ётмабди, деган гапларни топиб келган эди. Устод эса тўё султон берган йўлни чўнтагига солиб, тўғри ҳаммомга борган эмишлар, ҳаммомдан чиққач, бор ақчасини галоларга улашиб, ўзлари султонга ҳажв битган эмишлар!

Малик уа-шароб бу мишмишларни ҳақиқат қилиб улуғурмасданок устод ўзлари уни йўқлаб келиб қолдилар. Устод кекса бўлсалар ҳам, бўй-басталари келишган, опшоқ соқомлари кўксига тушган, тийрак кўзалари-ю, ўтқир сўзаларига ҳеч ким дош беролмай-диган, тили аччик, кайсар одам эдилар. У киши тоҳо-тоҳо май истаб келганларида кайфлари чоғ бўлса, «Шоҳнома»дан ҳикоятлар ўқиб бераар, донолар бисотидан ривоятлар айтиб, ҳаммани хушнуд қилар, мабодо кайфлари бузук бўлса, қаланғи-қасанғи майхўрлар билан ўтиришни истамай, тикка турганларича бир пиёва май ичардилар-да, ўз йўлларига равона бўлардилар.

Ўшанда, сўнги марта келганида, устод, худди бесабаб қамчи еган асов тулпордай бетоқат эдилар. Соҳ-соқомлари тўзғитган, юзлари бўғриққан, опшоқ қошлари тағилдаги тийрак кўзалари амақандай ички бир аламдан ёнар, ўзалариям одатдаги кимҳоб тўн ўрнига олмигина қора чакмон кийиб, бошларига эски қалпоқни кўндириб олган, кўларига асо, елкаларига хуржун, тарки дунё қилган бир зоҳилга ўхшар эдилар.

— Малик уа-шароб! — дедилар устод ўшанда, пойгакда тўхтаб. — Фақиру ҳақир сен билган назм султони Абулқосим Фирдавсий эмас, чўнтагида ҳеч вақоси йўқ бир галомен. Амаоҳ йўлгига бир пиёва

шарбат тутсанг, дилимда сенга ҳамду сано ўқиб инчамен, бермасанг... лабимда кули, ичимда дуои бил қилиб, майхонангни тағ к этамен!..

Устод Малик уа-шароб турган бир коса шарбатни бир сипқаришда бўшатиб, косани қайтариб берарканлар:

— Йўқ! — деб хитоб қилдилар. — Йўқ, Малик уа-шароб! Фақир қорнимга эмас, қадримга йиғаймен!.. Шу боисдан, бу тумроҳ султон Ҳазнавий берган барча инъомларни галолар ва йўқсилларга улашди! Бир мирини қолдирмай улашди му мана энди, фириштатадай маъсум, тўдакдай кит-яланғоч, ўз юртимга отландим!.. Э воҳ! Бу тумроҳ шоҳлар олдига биздай фақир шоирлар қисмати шу экан! Не чора? Айб ўзимда! Билъакс, инсоф ва адолатни қуйлаб, олдга шоҳлар тарихини битган шоир, келиб-келиб шу мустабид султондан ҳақиқат қилдириб келур-менми? О, тумроҳлар, тумроҳлар! Камина тўёким Эрон билан Туронни бир-бирига қарши қўйган эмишмен! Тўёким форсий шоҳларни улуғлаб, туркиларни камситибмен!.. Йўқ! — дедилар у киши тўсатдан қулоҳли бошларини баланд кўтариб, — бир элни бошқа бир элга қарши қўймоқ — донолар иши эмас! Бу — шоҳлар ва султонлар иши! Камина ўз асаримда фақат ҳақиқатни ёздим! Ўлим ҳақи! Вақтики келиб фақир ҳам бу оламини тарк этурмен. Аммо, иншоолмо, «Шоҳнома» тоабад қолур! Ким ҳақ, ким ноҳақ, ҳар ким ўзи ўқиб олур, ўзи билиб олур, Малик уа-шароб!

Устод шундай дедилар-да, иккинчи косани ичшидан бош тортиб, муссофирхонани тарк этдилар. ...Малик уа-шаробнинг хаёлини шарбатхўрларнинг жўр қийқириви бўлиб юборди.

Унинг рўпарасида кир-чир соқола кўксига тушган жуалдувроқи бир мўйсафид бўлш косани чўзиб тулар, куобага йиғилган фарибу гурабо мўйсафидни қуршаб олган, ҳамманинг кўзи Малик уа-шаробда эди.

Малик уа-шароб бу мўйсафидни яхши танирди. Кўплар унинг наса-насабини билмаса ҳам, ўзини ҳамма танир, бировлар уни Бобо Хурмо деб чақирса, бировлар Бобо Савдойи дейишадди.

Одамларнинг айтишича, бир маҳамлар ҳозирги Боги Фируз ўрнида мўйсафиднинг катта хурмозори бўлган. Бундан йигирма йил муқаддам, султон Маҳмуд Боги Фируз учун жой танлаганда мўйсафиднинг хурмозори маъкула тушиб, уни ўз мулкига кўшиб олгану, сулокам боғидан айрилган кекса боғбон хиё савдойи бўлиб қолган. Шу-шу, кўчама-кўча юриб тиламчилик қилади.

Бобо Хурмонинг кечмишини билган одамлар унга раҳм қилишар, Афшон шоа даҳасининг чурвақада-ри эса уни жонларидан ҳам яхши кўришар. Доим:

Бобо Хурмо!

Қилги дуо,

Бергил хурмо!

Дея чуғур-чуғур қилишиб, чоннинг орқасидан эртасиб юришарди.

Ҳозир ана шу Бобо Хурмо Малик уа-шаробнинг олдига нечундир қулимсираб, тавозе билан кўа қовуштириб турарди.

– Афв эт, Малик уа-шароб! Бу суҳбати гулгунда яхши шоху ёмон шохлар ҳақида баҳс кетди. Ижозат этсанг, каминна шу тўғрида бир ривоят сўзласам!

– Сўзла, Бобо Хурмо!

– Сўзлайман, аммо сўзим ҳақини ким тўлайди, Малик уа-шароб?

Кулба гадо ва йўқсимларнинг жўр қийкиригидан дарзага келди:

– Сўзлайвер, Бобо Хурмо! Бир пиёла эмас, ўн пиёла шарбат десанг ҳам йўқ демайди Малик уа-шароб! – Оғзингни оч, хуми билан қуяди!

Малик уа-шароб қулимсираб, Пири Букрийга юзланди:

– Қуйиб бер, тўйгунча ичсин!

Бобо Хурмо, киприксиз кўзларини мастона ўйлатиб, бир эмас, икки коса шарбатни уст-устига сиққарди-да, гада-ғовур босилишини кутиб, ҳикоясини бошлади:

– Шундайким, қадим замонларда икки хеш, икки биродар сафарга чиқмиш. Йўа юрса ҳам муа юриб, саҳрода ўсган бир сада тагига бориб кўнмиш. Топган-тутганларини баҳам кўриб, суҳбат қурмиш. Шунда бир дўст иккинчисидан: агар сента саодат ёр бўлиб, пошшо бўлсанг нима қилар эдинг, деб сўради.

– Агарчанд, – демиш биринчи сайёҳ, – саодат ёр бўлиб, пошшо бўлсам, юртимда инсофу адолат ўрнатар эдим. Одамлар нимаики оруз қилса, ҳам-масини рўёбга чиқарар эдим!

– Каминна пошшо бўлсам, – демиш иккинчи сайёҳ, – Вани одам атамиш бу нодонларни тавбасига таянтираар эдим. Қашлашга тирноқ ҳам қолдирмай, кафангадо қилардим буларни!

– Сабаб? – Сабаби – на яхшиликни билади бу гумроҳлар, на ёмонликни!

Эртасига икки сайёҳ йўлаарида давом этмиш. Йўа юриб, йўа юрса ҳам муа юриб, бир шаҳри азимга етиб бормиш. Қарасалар, арқ олдигаги майдонда одам тирбанд, ҳамманинг кўлида бир парча гўшт, осмондаги қушга тикилар эмиш. Маълум бўлишича, бир кун аввал шаҳар ҳокими оламдан ўтган, ҳоким бефарзанд бўлиб, тахт вориси йўқ емиш. Шу боисдан, шаҳар донишлари йиғилиб, пошшонинг қари бургутини учирмоққа аҳд қилмиш, токи бургут кининг бошига кўнса, ўша одам пошшо бўласин! Бургут эса фалакнинг гардиши билан бемехр сайёҳнинг бошига келиб кўнмиш.

Шаҳар донишлари сайёҳнинг мусофир эканини эшитиб, бургутни қайта учирмиш. Бургут майдон узра учиб юриб, яна ўша сайёҳнинг бошига кўнмиш. Шу йўсин уч маротаба учирилиб, уч маротаба сайёҳнинг бошига кўнгандан сўнг шаҳар аҳли уни тахтга ўтказмиш. Сайёҳ эса тахтга ўатирган ҳамон, ўз айтганини қилмиш: мамакат аҳлини зир титратмиш, беҳисоб божу хирож солиб, ҳаммани кафангадо қилмиш. Шунда одамаар пошшо бўлган сайёҳнинг дўстини қилдириб топмиш, пошшо устидан арз қилиб, ундан нажот сўрамиш. Фақир сайёҳ пошшо бўлган дўстининг хузурига бормиш. Пошшо уни шод-хурамалик билан кутиб олмаш, аммо сўзини эшитиб: «Сен бу ишга аралашма, – деб танбех бермиш. – Агар мен бу одамарга зуам қилган бўлсам, гумоҳлиги ва нодонлиги учун шундай қилдим. Агар булар нодон бўлмаса, Худонинг ақсиз бир махлуқига инониб, каминани тахтга кўтаришмас эди! Беақа махлуққа инониб мени пошшо қилишган экан, раҳм-шафқат не даркор буларга? Дано пошшо доноларга койиқдур! Нодонаарга нодон пошшо ярашур!»

Қулаба жўр қули ва қийқириқлардан дарзага келди.

– Бу ривоятдан мақсадинг не, Бобо Хурмо?

– Мақсади аён! Сендай нодонаарга суатон Маҳмуддай зодим пошшо ярашур, демоқчи Бобо Савдойи!

– Ўз сўзи эмас, суатоннинг фаними имом Исмоил сўзи бу!

– Офарин! Бетавфриқ исёнчилар маконига айланмиш бу макон!

– Оғзингни юм! Суатон эшитсин бу сўзларни, оёингдан дорга осиб, остингдан ўт кўяди, аҳмоқ!

– Во ажаб! Суатоннинг айғоқчилари қайда?

– Кўрсат менга ўша айғоқчингни! Ўзим дорга тортамен уни!

Малик уа-шароб кўлини кўтариб, гада-говурни аранг босди-ю, Бобо Хурмога яна бир пиеа шарбат кўчишни буюрди.

Шундан кейин нима бўлди, суҳбат давом этдими, й навбат машшоқларга келдими, Малик уа-шароб икки биламай қолди. Бир маҳал кўзини очса... ичкарида, Наргизабонунинг торгина хонасида, ғўрироғи, хонани иккига бўлган парданинг бу томонда ётибди. Тепасида кўлида милтираган шам, Нири Букрий турибди.

Хонанинг ғира-шира қоронғилигида этнига қора чакмон, бошига хоразмча чўтирма теллак кийган букри чиндан ҳам баҳайбат қора ўргамчига ўхшаб кўринди-ю, Малик уа-шароб сесканиб кетди, хаёлидан эса: «Тайин эски тапми?» деган фикр ўтди.

Бундан уч ой муқаддам Малик уа-шароб қула бозоридан ўн беш-ўн олти яшар бир жория сотиб олган эди. Жориянинг исми Садаф бўлиб, ўзи Хоразмдан, кўп йиллик қадрдони Беруний юртидан эди.

Садафбийи қула-оёғи чакмонгина, ёқимтойгина қиз экан, бирпасда ҳаммага ёқиб қолди, кўп йиллардан бери дард чекиб, тўшак ёзиб ётган ногирон кампирни Наргизабонуга ҳам жуда қула келди. Лекин бундан бир ой муқаддам, Садафбийини кўриб, у билан суҳбатлашиб қолган биродари Абу Райхон: «Жориянгни менга бер, менинг уйимда хизмат қилсин, жуда пок қиз экан, бу шиким майхўраар орасида унга жабр бўлибди», деб қолди.

Малик уа-шароб бошда Абу Райхонга ҳам рад жавоб берди, бироқ кейин ўйнаб кўриб, унинг ҳақ эканига иқрор бўлди-ю, Садафбийини унга беришга рози бўлди. Аксига олиб, худди ўша кўналари бу букри ҳам Садафбийини сўраб келди. Малик уа-шароб Абу Райхонга ваъда бериб кўйганини айтса ҳам, ялниниб-ёввориб туриб олди, катта пула, ўз нархидан ўн баравар катта пула ваъда қилиб, оёғига йиқилди...

Абу Райхон Садафбидини сўраб келганида бир нарсани рўкач қилган, яъни уни бидининг хоразмча чулчуқ тили ром қилганини айтган эди. Ажабо: бу букрини ҳам худди шу нарса мафтун этган эмиш! Бироқ мафтун бўлсин-бўлмасин, Садафбидини қайтаришининг иложи йўқ, у Абу Райхоннинг ихти-ёрига ўтган эди. Шундан бери Пири Букрий Малик уа-шаробдан аразлаб юрарди. Наҳот, бутун тагин ўша илтимос билан келган бўлса?..

– Хўш, хизмат, азизим?

– Малик уа-шароб, – деди Пири Букрий шивир-лаб. – Бояги икки сайёҳнинг бири гавро кўтариб, тўпалон қилалур.

– Тўпалон қилса, тўрт томони қибла! Не деб тў-полон қилди?

– Жой сўрайдур, шоҳона жой!

– Шоҳона жой тиласа менинг кулабаи вайронамда не қилди? Айт: султон Маҳмудга борсин! Шояд Осмон маликасидан жой берса?

Пири Букрий қўлидаги шамни баландроқ кўта-риб, бурчакка тутилган парда томон ўғринча бир қараб кўйди.

– Сўзимга кулоқ солинг, пирим! Ёш сайёҳ айта-дики, ёнидаги кекса сайёҳ ўша... Ҳақими даврон... Ҳазрат Абу Али ибн Сино эмиш! Уа зоти шарифнинг хурматини бажо келтирмак даркор эмиш!..

– Не дединг? Ҳазрат Ибн Сино?

– Шундай, пирим. Ўша, донги оламга кетган Ҳақими даврон Абу Али ибн Сино Ҳазратлари эмиш! Малик уа-шароб қизарган кўзларини катта очиб, бир зум анграйиб қолди, сўнг патак соқолини сиалаб мастона қулади:

– Ибн Сино Ҳазратлари бўлса... султон Маҳмудга борсин! Мана, йигирма йилдирки, султон уни то-поммай доғда юрмиш!

Пири Букрий негадир яна бурчакдаги парда томон кўз ташлаб:

Пирим, – деб шивиради. – Ёш сайёҳ бир сурат кўраётдиким, мавлоно Беруний кўрсатган сурат-нинг баийни ўзи! Бу сайёҳ билан ўша суратдаги Ибн Синони ажратиб бўлмас, пирим. Бамисоли бир юмтин суви!

Малик уа-шаробнинг юмуқ кўзлари ярқ этиб очиниб кетди. У олача тўнини эгнига ташлаб, ўриндан турга бошлади. Бироқ шу пайт парда ичидан аёл иншининг «мирзам», деган заиф овози эшитилди. Малик уа-шароб букрига «сен боравер», дегандек имо қилди-да, пардани кўтариб тўшага кирди.

Парда орқасидаги тўшакда... сочлари қордай оп-нок, кўзлари катта-катта, нимжонгина бир аёл ўти-рар, унинг пешонасидаги мошдеккина қизил холи бедаининг хинд юртидан эканини кўрсатиб туради.

Малик уа-шароб тўшак четига тизза буқаркан, ўлдига бир муволайимлик билан:

– Нечун ухамайсиз? – деб сўради. – Яна оғрик бошландими, бонун?

Наргизабону, икки бармоғи кесилган майиб кўли билан тўзғилган сочларини тузатаркан, катта-катта тил қора кўзлари амақандай чарақлаб:

– Бу сўз ростми, мирзам? – деб сўради. – Ҳазрат Ибн Сино...

– Шояд рост бўлса! – Малик уа-шароб аёлнинг бар-моқлари яримдан кесилган тўмтоқ кафтинги кўлига олаиб, лабларига босди, босаркан, олатдагидек, яна ўша йироқ, аммо ҳар эслаганда худди кечалина рўй бергандек вужудда титроқ уйғотувчи унутимас бир манзара кўз олдига келди.

Ҳазна чеккасидаги хиндлар даҳаси. Даҳанинг энг хиваг жойидаги пинҳоний базмхона. Гўзал рақо-слаар, хонанда ва созандадар базмхонаси. Амир Са-буктегиннинг эрка фарзанди, ёш Маҳмуд ўзининг энг яқин ғуломни, боалаикдан бирга ўсган тенгдоши Кутлуғқадам билан ҳар кеча шу хуфрия базмхонага

равона бўлишди. Такводор отадан яширинча, тўза раққосалар базминни кўргани боришди. Йўқ, ҳамма раққосалар эмас, офатигон раққосалар орасидаги энг офатигон Наргизабонунинг раққосарини томоша қилгани боришди. Наргизабону энди ўн учта тўрайб, ўн тўртта қадам кўйган, бироқ унинг хусни, тилла маъбудадек нозик бўй-бастги, пешонасидаги мошдек қизил холи, айниқса, доим кулиб тургувчи катта-катта тим қора кўзларини бир кўрган йипит тоабад унутмайди. Раққосари эса... унинг раққосари ҳам тўдак кулгисидай маъсум, ҳам бамисоли олов! Худди ловиналаб ёнган олов янгири бу рақс тирик жон борки ёндиради, ўлкаларга эса жон ато қилади...

Уша оқшом ҳам, икки пўлат қилнч қинидан чиққан ўша машғум оқшом ҳам Наргизабону эгнисида ҳарир ипак сари, бежирим оёқчаларида кўш-кўш тилла хол-хол, кўлариди ёқут қадалган кўш-кўш тилла узук, нозиккина ярим виланғоч танасини минг муқом билан қилпимлатиб шундай хиромон қилдикки, амир Маҳмуд билан унинг солиқ гуломи Кутлуғқадам раққоса олди-да баробар тиз чўқиб, унга чиний пиёдаларда баробар шарбат туттишди.

Тим қора кўзлари юлдуздай чақнаган ёш малак, лабларида маъсум табассум, серсоқол созандадар созига мос хиромон қилганича, икки машғур меҳмонга яқинлашиб борди, сўнг таманно билан эгилб тазъим қилди-да, тирноқларига хина кўйилган нозик кўларини билан амир Маҳмуднинг... йўқ, Маҳмуд эмас, унинг гуломи Кутлуғқадамнинг пиёласини олди. Олишга олди-ю, пиёлага лаб теккизишга улуғурмади. Ёш амир, кўлидаги шароб тўда косани шифтга қараб қулочқашлаб олди-да, ўрнидан сагчиб туриб, шартта қилчичини қинидан суғурди. Ундан у ёғи бир зумда, кўз очиб-юмгунча содир бўлди: Наргизабону кўлини боши узра кўтарганича фарёд чекиб, ўзини созандадар даврасига урди.

Бироқ, язабдан жазаваси тутган ёш амир икки қатлашда малакка етиб, унинг боши узра кўтарган нозик кўларига қилнч солиди. Кўш бармоғи учиб кетган раққосанинг зорли фарёди базмхонани зир титратди. Бу фарёддан ўзига келган Кутлуғқадам ҳам сакраб туриб амирга ташланди. У жонҳовлатда қилнч тирини чангаллаб олган экан, унинг кўлидан ҳам тиржираб қон оқди. Лекин у офриқни сезмади. Қўлидан тиржираб оққан қонни ҳам кўрмади. Унинг кўш кесилган бармоқларда эди. Раққосанинг хина кўлидаги нафис қорамтир бармоқлари, худди жони берди, ерда дик-дик сакраб, боши узилган митти кулчалардай пигтирларди!

...Эртасига уларни амир Сабуқтегин ўз кўшқига чақиртирди. Кекса амир, бир ёнида бош вазира, бир ёнида қалрдон сарбози Қорағулом, олтин тахтада қолганини уйиб ўтирарди. У ўзига ярашган қалин кетмон соқолни тутамлаб, икки офизгина ваъз айтди:

Фақир сенларни ака-укадай иноқ, икки дўст, икки биродар бўлиб кетар, деб ўйлаган эдим. Навомилтадар бўлғайким, ораларингда рақобат пайдо бўлибди. Рақобат бор жойда садоқат бўлмас! Шу бутундан бошлаб саройда сенинг қорангчи кўрманин, Кутлуғқадам! Сени ҳам, Қорағулом!.. Биламен, сен менга салкам йиптирма йил ҳавола хизмат қилдинг. Аммо бутун мен сени фарзандлигга кўшиб дартроҳимдан хайдамоқдан бошқа чорам йўқ... Айб менда эмас, Қорағулом, айб тақаббур зурриёдингда! Берган тузимга розимен, Қорағулом!..

Валинъмат падари Қорағулом, – Аммоҳ унинг ружини шод этгай, – чўяндай қоп-қора, алпқомат одам эди. Кекса амирнинг бу сўзларидан баттар қорайиб кетди. Бироқ дом-мим демедди. Ўғлига зимдан кўз қирини ташлаб: «Юр!» деб ишора қилди-да,

индамай эшик томон йўналди. О'zbekiston Respublikasi Davlat Pedagogika Instituti

OXBOROT RESITS MARKAZI
111111

– Сизга не бўлди, Мирзам? – деган овози бўлди.
– Кўзингизда ёш...

Малик уа-шароб чандлик кўли билан нам киприкларини синаб, истеҳзоли қулимсиради:

– Кечиргайсиз, бону, кайфим ошиб қолди...
Наргизабону, худди гўдакка койилган онаданай матъос қулимсираб:

– О, Мирзам, мирзам? – деб опшоқ бошини сарак-сарак қилди. – Кўйинг шу май-у-шарбагтоҳонан-гизни! Пайғамбар ёшга борлингиз мана!...

– Афв этасиз, бону, фақир ўзи қариса ҳам, кўнган қаригани йўқ. Май эса...

*Май мен учун оху кўзги малакдур,
Бўса унинг жуфтги, жонларваридур,
Оху кўзлар норлар, нечун йлмайин,
Олтин шарбат чорлар, нечун ичмайин.
Санам янглиш... ул хаста дил орами...*

Наргизабону майиб кафтинги юратига босиб аста пичиради:

– Боринг, Ибн Сино ҳазратлари кутиб қолмиш!

– Шояд сизнинг бахтингизга бу гап рост бўлса!
– Малик уа-шароб тоқчадаги шамни кўлга олиб, тургиниб-суртиниб гўшадан чиқди.

...Майхона ҳамон боғлидай гира-шира эди. Икки сайёҳдан бошқа майхўрлар тарқаб кетган, фақат пойгакдаги бўйра устида нотаниш бир девона йиртик қулоҳини бошига кўйиб, ёужанак бўйиб ухлаб ётарди.

Икки сайёҳнинг бири, соқол-мўйловлари ўзига хўп ярашган аамоманамо кекса сайёҳ тўрдаги кўрпачада, кўш болишта суянганича пинакка кетган, унинг шогирди эса берироқдаги хонгахта олдидан шокосанинг юзидеккина суратни Пири Букрийга кўрсатиб, гап уқтириб ўтирарди.

Малик уа-шароб пойгакда тўхтаб, бир кўш болишта суяниб пинакка кетган кекса сайёҳга, бир шогирдининг кўлидаги суратга кўз ташлади... Во дини! Бу ўша, азиз биродари Абу Райхоннинг уйида кўрган ҳазрат Ибн Синонинг сурати эди! Чиройли шаш-туруч соқолини кўксига босиб пинакка кетган тўрдаги хушсурат сайёҳ эса... суратдаги Ибн Синонинг ўли, баайни ўзи эди!...

Бир сайёҳ эшикда пайдо бўлган Малик уа-шаробни кўриб, мастона чайқалаиб, ўрнидан турди.

Жумдан жаҳон дарвешларининг пири мурушиди Малик уа-шароб ҳазратлари саломат бўлсинлар!

Ташлаққур, азизим! – Малик уа-шароб мастона т майхўрларни сира хушламас эди, бироқ бу бир сайёҳнинг сармаст қилиқлари ёш боланинг эр-қадалишларидай самимий ва ёқимтой эди.

– Кечиргайсиз, пири! Биз ҳақирлар сиздай пирининг шуҳратини эшитиб, шаҳри Тусдан чиқиб келган эдик. Минг афсуским, бу ерда камина у ёқда туринг, ҳақими даврон... устод Абу Али ибн Сино ҳазратлари ҳам ўз ҳурматига муносиб иззат-икром топмадиллар!

«Шаҳри Тус? Абу Райхоннинг айтишича, Ибн Сино ҳазратлари Бухорои шарифда дунёга келган дин чови?»

– Кечиргайсиз, азизим. Бу ҳақими замон ҳазрат Ибн Сино... шаҳри Тусда таваллуд тошгандарми?

Йўқ, тақсири олам! Ибн Сино ҳазратлари Бухорои шарифда таваллуд тошгандар. Аммо Бухорои амматгида бўлишдан бош тортиб, шаҳарма-шаҳар, ама-эа дарбадар кезиб юрадурлар! Аммо қаерга бормасинлар, аҳли мўмин бу зоти муборақни бошларига кўтариб иззатладилар. Сиз Фазна аҳли эса қисими хозикнинг қадрини билмадингиз! – шогирдининг овози тўсатдан қандайдир таҳдид билан янги-риб кетди-ю, кекса сайёҳ чўчиб бошини ёстикдан

кўтарди. У бир мастона чайқалиб турган шогирдига, бир хайратда қотиб қолган Пири Букрийга, бир Маник уа-шаробга қаради, сўнг ҳамма гапга тушунди чамаси:

— О, тентак, тентак! — деди кўйиниб. — Камини сенга неча марта айтдим, номини сотма, кимани тимни ошкор қилма, деб! Неча марта айтдим...

Кекса сайёҳнинг амакандай ички дарди билан айтган бу сўзларида, хушсўрат чеҳрасида, сервикор нигоҳида кишини ўзига ром қилувчи шундай зўр бир иқтидор бор эдики, Маник уа-шароб беихтиёр кўлини кўксига кўйиб, унга тазим қилди.

— Узр, устод. Осий банда фариб куабамга сиздай табаррук зотнинг қадан ранжида қилганларидан бежабар қолибмен! Хой, ким бор? Дарҳол ичкарига жой қилингар! Дарҳол!

ИККИНЧИ БОБ

«Мен сенга султон Маҳмуд Ҳазнавий юришлари тўғрисида гапирган эдим. Бироқ мен Маҳмуд даврининг бошига бир буюк вақили тўғрисида ҳали гапирмадим. Бу — ал-Берунийдир. Чексиз қирғинбаром ва шафқатсизликлар даврида у ҳаётга чуқур разм солиб, ҳақиқатнинг таъсида етишга иштирган ўлгу олиш сифатида ажратиб туради...»

*Жавоҳарлагил Неру
«Жаҳон тарихига бир назар»,
1-жилд, 300-бет.*

I

Бир ҳафтадан бери безтақ хуруж қилиб, ноҳуш ётган Беруний бир даҳза кўзи иланган экан, «Устод! Устод!» деган мулозим овоз қулоғига чалингандай бўлиб, уйғониб кетди. Бу — ёш жория Садафбийи

нинг овози эди. Вақт хуфтондан ошган бўлса керак, теңизлардаги шамлар ёқилган, деворларига китоб жавонлари ўрнатилган торгина чорбуручак хона кундуғидай ёруғ эди. Садафбийи, чамаси, уни уй-кула деб ўйлаб, жавондаги китобларнинг чангини иртмоқда эди.

Эсинда йўл-йўл кўк баҳмад кўйнак, бошида қизил тоғли дурра, оёғида учи эгик кўк сахтиён кавуш, кит эшитилмад-эшитилмас товушда қандайдир бир кўйини киртойи қилиб, завқ билан ишлар, дам жавон чангларини артар, дам қизил, кўк, сарик жилдай оғир китоблардан бирини олиб, хайрат билан ва-вақиллашга тутинар эди. Китоб варақлаганда хиртойи қиландилан тўхтаб, қулачадеккина юмалоқ юзида та-лавлуб ва хайрат акс этар, китобни жойига кўйиши билан яна аста хиртойисини бошлаб эди.

Хар сафар Садафбийининг мана шу мулозим овозини, хиртойисининг нозик оҳангларини, ай-ниқса, сав чучук, ёқимтой тилда сўзлашларини эшитишда Беруний ғалати бўлиб кетар, негадир боламик ва ўспиринлик чоғлари ёдига тушар, лол этиб, Жайхун⁴ соҳиллари кўз олдига келарди. Бу оғран, бу кўшик, бу чучук ва ёқимтой тилни бир эшитишни оруз қилиб, соғиниб юрганларига неча имонлар ўтди?

Булдан бир-икки ой муқалдам Садафбийини Маник уа-шароб деган кўп йиллик биродарининг мафхонасида кўриб қолганида Берунийни қизининг кўнлидан ҳам бурун мана шу майин овози, сав чу-чук, ёқимтой тили, она сўти билан бирга қонига сингиб кетган Хоразм даҳжасида гапиршлари мафтуни этган эди. Кейин суриштирса, Садафбийи чиндан ҳам унинг юртидан, Турганж билан Кийт⁵ ўртасидаги кичик қишлоқдан экан. Қайси бир қула-

⁴ Жайхун — Амударё.

⁵ Кийт (Kot) — Беруний турган қадимий шаҳар.

жавалоб уни ўша томонлардан олаиб келиб, Афшон шол бозориди соттан экан!.. Беруний бу гапни эшиттиди-ю, қадрдони Малик уа-шаробга қаттиқ ёппишди Садафбийи кеалугнча Беруний бу уйда хиндистонлик шогирди Сабуху билан бирга турарди, Сабуху ҳам уй-рўзвор ишларининг кўзини биладитган, кўла-оёғи чаққон йигит, бироқ Садафбийи остонани хатаиб ўтган ҳамон ҳамма нарса ўзгарди, тўё бу уйга ёш жория эмас, майин баҳор офтоби мўравади-ю, ҳамма ёқ алақандай илиқ нурга чўмилиб, чарақлаб кетди!

Ажабо, ўша кундан бери алақачон йигитлик даридадан ўтиб, кексалик манзилига қадам кўйган Берунийнинг кўнглида ҳам баҳор. У умрида фақат бир марта, ўн олти-ўн етти яшар маҳалида мана шундан ёруғ кунларни бошидан ўтказган эди. Баҳордай тез келиб, тез кетган, лекин қабдида тоабад сўнмас нур қолдирган у кунлар Райҳонабону билан боғлиқ эди.

Йўқ, Садафбийи Райҳонабонуга ўхшамайдилар. Насроний дини⁶ га мансуб машхур Қиёт савдогарининг кизи Райҳонанинг кўзлари баҳор осмонидан кўм-кўк, чўзинчоқ юзлари сутдай оптоқ, елкасида тўққиндай мавж урган сочлари эса бир жом чўғдай қизғиш эди. Садафбийи эса қораманғиздан келган, юзлари юм-юмавоқ, қош-кўзлари қоп-қора. Лекин барибир, нимаси биландир Райҳонабонуга ўхшаб кетади. Нимаси билан?.. Буни Берунийнинг ўзи ҳам айтиб бераолмайди, бироқ Садафбийини кўриши билан, унинг овозини эшитиши билан эсига Райҳонабону тушади-ю, кўнгли сув ичгандай ёришиб кетади... Мана, хозир ҳам...

Садафбийи, тўё унинг тикилиб қолганини сезгандай, «ялт» этиб қаради, кўзлари жавдираб, бир зум тикилиб турди, сўнг аста юриб, хонгахта ёнига келди.

— Буюрган дорунгизни олаиб келдим, устод.

⁶ Насроний дини — христиан дини.

қонгақотилги шарбат тўла кўзача ёнида ипак қана билан боғланган ўроғлик қоғоз турарди.

— Доруга ким борди? Сабуҳми?

— Йўқ, Сабуху овқат бошлаган эди, ўзим бордим. Садафбийи кизи шойи дуррасининг учи билан эсини ярим тўсиб, хонгахта олдига чўнқайди, қинадириқ, бирдан овози ўзгариб:

— Устод! — деди алақандай синиқ товушда. — Андир ижозат берсангиз... энди атторлик расгасига берилмади!

— Неҳун?

— Анон букри... тўнкага ўхшаган букри аттор шранини тўсди.

— Не деди?

— Ймон сўзлар. Сиз сўраманг, мен айтмайин, эртда...

Берунийнинг катта, қорамтир бармоқлари беихтиёр мушт бўлиб туғилади.

Кеча эрталаб у дори буюриш учун атторлик расгасига ўзи борган эди. Таниш атторга учраб, эгни қайтаётган эди, муқолишдаги дўкондан, Сафарбойи айтганидек, тўнкага ўхшаш бир кимса отлаиб чиқли-да, пилдираб келиб, йўлини тўсди.

Бу ўша, Малик уа-шаробнинг майхонасида келмадари най чалғувчи, майхўраар орасида «Пири Нуврий» лақаби билан донг чиқарган букри аттор эди. Халф Беруний билан бу букрини бундан сакам-короқ йил муқалдам Қиётда, Райҳонабонулар хона-донидида тўқнаштирган эди. У маҳалда букри ҳам Беруний каби Қиётда яшар, Райҳонанинг отасига шогирд тутинган савдогар эди. Лекин устози ҳаёт вақтида ипакдай мулоийим, итдай салдоқатли бўлган бу букри савдогар жон таслим қилган кунни кечаси унинг қизига, эри ўлаиб туа қолган кизи Райҳонабонуга тажовуз қилган, улар шу важдан қаттиқ тўқнашган эди. Шундан кейин Беруний уни кўр-

маган эди. Такдирнинг ғалати ўйинини қарангки, бу машъум воқеадан сакам кирк йил ўтгач, ҳаёт уларни Ҳазнада, тўғрироғи, Малик уа-шаробнинг майхонасида яна бир-бирига дуъа қилди. Мазлум бўлишича, букри ҳам фаалакнинг гардиши билан дунё кезиб юриб, охир-пировардида Ҳазнага келиб қолган экан. Бу ерда у агторлик дўкони очган, кечалари эса Малик уа-шаробнинг майхонасида машшукани қилар, Бобо Сеторий ва Пирри Ғижжакиёларга кўпиндай най чавар, шундай чавар эмишки, ҳар сафар мажлис аҳлини сева қилар эмиш. Рост, орадан кирк йил ўтган бўлса ҳам, Қиётдаги машъум воқеа ҳамон эсида тургани учун бўлса керак, Пирри Букрийнинг ўзи ҳам, нодир санъати ҳам Берунийнинг кўнглига кўп ўтирмади. У кеча эрталаб агторлик раствасида ўрашапанаарида ҳам гапнашишга тоқати йўқ эди, бироқ қайдандир пайдо бўлган Пирри Букрий пилди раб келиб, йўлини тўсди-да:

– Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, мавлоно! – деб хитоб қилди. – Эслик одам эскини эсламас Дераар, Эски низоларни кўнглидан чиқарайлик, мавлоно! Эшитишимча, сиз нодир тошлар борасида пирри комиссиэ. Фаалакнинг гардиши билан фақирнинг кўлига бир ноёб тош тушган эди, шунга бир кўриб баҳосини айтиб берсангиз, мавлоно!

Ё, тавба? Пирри Букрий биланми, билмайми – Берунийни энг нозик жойидан ушлаган эди. У кўп йиллардан бери нодир тошлар ҳақида катта бир асар ёзишни орзу қилиб, жуда кўп нарий мавломоғлар, ва ҳатто, ҳар хил ривоятлар йиғиб юрарди! Беруний индамай букрининг орқасидан эртташди. Улар торгина, пасқамгина, кўримсизгина дўконга киришди, ундан тагига бўйра ташланган хужранамо бир хонага, хонадан сиқон ҳиди анкиган нимқоронги ертўлага тушишди. Тоқчасига битта-ю битта шам қадалган фира-шира ертўда ҳар хил

вақтда янрик сандиқлар, алаанимадар солинган хум ва кутичалар, кўти ва кутичаларга тўла эди.

Пирри Букрий ертўланинг энг қоронғи бурчагига келиб, отнинг камасидай куаф осилган оғир темир айнақон оқди, унинг қопқоғини кўтариб, узок тинириндилашгач, тошбақадай юм-юмавоқ бир темир кутичани олиб, Берунийнинг олдига келди.

Бу кутичадаги тошни каминга бағлодлик бир айнақардан харид қилдим, мавлоно. Катта пулга харид қилдим... Аммо... олашга олдиму хануз ишти-воқадимен?

Пирри Букрий шундай деб, кутичанинг тагидати етгани босди. Босиши билан кутича даранг-даранг овоз чиқариб очилди-ю, фира-шира ертўла тўё-буғалдан ўларча шам ёнгандай чарақлаб кетди. Кутичанинг тагиде.. қагтарнинг тухумидек кедалгани ва камалак рангида нафис товланган ажиб бир жавоҳир ярқираб ётарди!..

Беруний ўз кўзларига ишонмай қолди. У нафис айнақардан жимоланиб, нимқоронғи ертўлани ёритиб юборган бу нодир жавоҳирни бир кўришдаёқ тиница ҳам, анчагача ўз кўзларига ишонамади. Ёи жавоб? Бу ўша, бир маҳамлар Бағдол халифаси қорун ар-Рашид хазинасида сақланган, сўнг қабарлар йўқолиб, кўп низо ва қатла киринларга таваб бўлган, тарихий китобларда таъриф ва тавриф қилинган машхур жавоҳир эди!..

Беруний жавоҳирни кутичадан аста олиб, каф-тига қўйди. Ёнвоқдеккина нодир жавоҳир унинг кафтида яна ҳам нафисроқ товланиб, тўё янги янгилар киб эгтандек, ярқираб кетди.

Ё, тавба! Бу ибалис букри шоҳлар хазинасини тешиб тургувчи бу нодир зийнатни қайдан олдир? Бундан чиқди, бу маккор тўғрисида юрган мулҳиши аниқлашлар тўғри экан-да?*

* Иштибоҳ – шубҳа.

– Бу жавоҳирнинг баҳоси шундайким, ярим Фазнани сотиб олишга кудратингиз етади!

Пири Букрий, тўғе Абу Райҳоннинг бу сўзидан кўрқиб кетгандай, унинг кафтидаги жавоҳирни «шаш» этиб юлиб олди-да, шоша-пиша юмавоқ кучасига яширди.

Беруний индамай орқасига бурилади, бирок хужрага ўхшаш ўртанча хонага чиққанида Пири Букрий уни қувиб етди:

– Мавлоно Абу Райҳон! Камина сизга бир илтимосим бор!.. Ўз кўзингиз билан кўрдингиз: фақир кўчада қолган бир гадо эмасмен. Қанча десангиз, хоҳ олтин, хоҳ жавоҳир... қанча десангиз олтин Сиздан ёғғиз илтимосим бор!.. – Букрийнинг давақандай маъсум кўм-кўк кўзлари тебанинг кўзларидай чарақлар, илтидаги сийрак малма соқоли дир-дир титрар эди. – Бирдан-бир илтимосим анов жорийангизни, Малик уа-шаробдан олган анов жорийангизни каминанга инъом этсангиз, мавлоно! Беруний шартга бурилай кетмоқчи эди, Букрий оғир хансираб унинг кўлига ёпишди.

– Мавлоно! Истасангиз анов жавоҳирни, баҳоси ярим Фазнага тенг анов нодир жавоҳирни олдинг! Пири Букрий тебаварча ҳаракат қилар, тиркираб оққан кўз ёшлари юзини ювиб, сийрак малма ранг соқолига куйиладди.

– Фақирга раҳм қилинг, мавлоно, раҳм!

Ё, тавбал! Саалкам қирқ йил аввал ҳам орадариди худди шундай бир гап бўлай ўтган эди. Ҳозир ҳам! – Кўлингни оа, Пири Букрий! Мен қулажамаво эмасменки, бир шўраикни сента олтинга сотсам! – Беруний шундай деб, Букрийнинг темир исканжадай қаттиқ, ёпишқоқ кўлидан кўлини базўр тортиб олди-да, ташқарига отидади.

Талқирнинг ажаб савдоси: унда, Қиётда, Райҳон бонуга ёпишган эди бу ибалис, энди Садафбийбиги!

Беруний ҳаёла оғушидан базўр қутулиб, рўпара-тола мунавайиб ўтирган Садафбийбига қаради.

– Тўғри сўзайдинг, бибим, кўча юмушларини баёву қиласан!..

Берунийнинг сўзи оғзида қолади. Тўсатдан кайрагина турс-турс қадам товўшлари эшитилиб, шунга Сабду кирди. У нимадандир ҳаяжонланган, йилдин оқ қалпоқчаси бир томонга оғиб кетган: қандаги қалқирди дир-дир титрар эди.

– Устоди! Сизни саройдан бир бека сўроқлаб келди! Саройдан? Бека?

– Ҳа, совбон аравада келди. Ёнида бир қанча қариндари ҳам бор!

Ажаб ҳол: кундуз саройдан чопар келганди. Чопар эртанга саройда ўтадиган машваратда ҳозир беруний бўлиши тўғрисида амру фармон келтирган эди. Энди эса...

Беруний бир нарса дейишга уалгурмади, эшик шини билан очилиб хонага беканинг ўзи кириб келди.

II

Ёнида... тириклар ва голиблар либоси: узун қора шини кўйлак ва кўйлак устидан кийилган хитча беа ёри юмқоқ камзул, юзида зар сочилган узун қора дўрри, оёқларида учарида дур қадалган бежирим ёри қолуш, хина кўйилган бармоқларида ёкулт кўз-ини бирини олтин узук, бека пойгақда тухтаб, назоқат билан бош эди.

Бешоқт келганим учун маъзур тутасиз, мавлоно!.. Хатганибегим! Суалтоннинг эрка синглиси Хатганибегим! – Беруний шитоб билан қаддини ростлади, оғзини бешхтиёр титраб:

Қуламадарига ҳасанот, бегим! – деди. – Каминани келтиргалисиз, сабаби ҳасталик, истиқобдингизга инъомамддим.

– Ташаккур! – Хатгаибегим аста юриб хонтахтави яқинлашди-да, хонани нафис мушк-анбар бўйида тўқдириб, назокат билан кўрпачага тизза бўлган букаржан, кескин ҳаракат билан юзидagi ҳарир қора пардани кўтариб, саксига отди.

Беруний чеккада хайкалдай қотиб турган Садафбибига юзланди:

– Сен бора бер, бибим. Сабуҳта қарашиб юбор. Садафбиби хуркак кийикдай чопқиллаб чиқиб кетди, Хатгаибегим эшик ёпилгунча унинг орқасидан қараб турди, сўнг:

– Аё зотини афв этасиз, мавноно, – деди. – Бу санам ким?

– Бу санам... фақирнинг жорياسи, бегим.

Хатгаибегимнинг юпқа лабларига билинар-билимас қулни югурди.

– Офарин! Жория танлашни билаар экансиз, мавноно!

«О, аё зоти, аё зоти! Заифа деб бежиз айтми гандар!»

Беруний кўнглидаги ғазабни босиш учун мўрн симон қалпоқчасини тўғридаб, бошини ҳам қилди у рўпарасида ўтирган бу аё султоннинг суюкан сингласи Хатгаибегим эканига ҳам ишонгиси келар ҳам ишонгиси келмас эди. Бироқ бу ўша, бундан ўн йил муқаддам Ҳиндистон йўлида, тўғрироғи, Синд вилоятдаги гўзаа бир кўа соҳилида пинҳона учрашган Хатгаибегимнинг ўзгинаси эди! Йўқ, ўзгинаси эмас, унда султон ҳарамига раҳнамолик қилгунча бу шалдоод, ўктам аё хийа ёш, хийа кўҳлик эди. Ўн йил ичида ўзини анча олдириб кўйибди. Чакки суяклари туртиб чиққан юмадоқ қорамтир юзиди хатто, ута аралаш нозик бўёқ суртилган ёноқларида билинар-билинмас ажин нишонлари кўзга чаминади, бироқ сурма тортилган кийос кўзларида, қаттиқ қисилган юпқа лабларида ўша шиддат

экан вакир на-мумининга хос ўша совуқ бир ўктамлар бор. Ёки бу ифода, кийос кўзларидagi бу совуқ нузда иссамми? Ахир ўшанда, бундан ўн йил олдинда, гўша кўа соҳилига тикилган саропардада ётган пинжонинг кечанда хозир совуқ чакнаган бу беруний тавом бошқача порлаган эмасмиди?..

Беруний тўсатдан тошқиндай тошиб келган ғазабни боғиш умидида шоша-пиша кўлини чиний берган эди. Бир зум унинг кўз олдига кимматбахона беруний гиламлар тўшалган ипак саропарда келди. Саропарданинг тўрида, қат-қат шойи тўшакда беруний тўсатдан ётган ярималанғоч санам нигоҳи соғина нимоси бўлди, унинг иссиқ бўсалари, бетоқат саропардари эсига тушиб, ҳорғин танасидан ўт қилиб кетди. Ўша маҳамларда сарой аҳли орасида бу эллик ва шалдоод беканинг номи ибрат маънода танга олинган, гўё у эркак юзини кўрмасликка эришган эди, гўшанишпайликни ихтиёр этган, деган гаплар юрарди. Бу гаплар ростми, ёвонми – буни ким биларди? Бу гаплар ва лекин бу ўктам, эркатой бека ким? Аммоқ билди ва лекин бу ўктам, эркатой бека кимди, кўа соҳилидаги кўкаламзор қирларга тикланган қоронги саропарда ичида унга – ёш тилмоқ Абду Райҳон Берунийга унутимас гўзаа бир оқшом ширин этган эди!..

Беруний шарбат гўаа пиёлани таъзим билан бекадан сўради, улатаркан, унинг юпқа лабларида ҳамон анча билинар-билинмас қулни аломатини кўрди. «Ё, биб, у ҳам эсади!»

Марҳумат, бекам!

Ташаккур! – Хатгаибегим пиёлани олиш ўрнига беруний кимкоб камзулининг чўнтагидан оғир қаҳрабон тасбеҳ олиб, битта-битта ўлиришга тутинди. Беруний ичида бир қулай кўйди: «Хайрият, ёшлик кимларнинг эслагани келмапти, эслагани келганида не кимларнинг, шўралик Абу Райҳон?»

Хатгаибегим кўлидаги тасбеҳини хонтахтага қўйиб, пиёлдаги шарбатдан бир хўплады.

– Мавлоно! Мен шўрлик сизни йўқлаб келишди муродим, хабарингиз бор, уа ваиненъмат давлатини ноҳ, – илоё умри узок бўлғай! – оғир дардга чаданмиш. Сарой тўла аилома, маликуа калом, доирун жаҳон ҳақимлар, бироқ шўрлик оғам ўз ўтида ўз қовурилайб ётмиш! Дардига даво, кўнглига ором бергувчи на бир ҳабиби бор, на бир табиби. – Хатлибегим ҳарир дуррасининг учини кўзига боши пик-пик йиғлаб юборди. – Оамитаноҳнинг дардига даво қилдириш ўрнига саройда игво, фисқи фисол Инонган тоғлари Ами Фариб билан Абул Ҳасанин бўлса мартаба талашшишдан бошқани билмас. Давлатпаноҳ оламдан ўтса, – илоё бичган кафанлари ўзарига буюрғай! – тахтта ким ўатиради? Шулдан бошқа ташвишлари йўқ уларнинг! Тўнғич ўғил амир Масуд қолиб, кичик ўғил, ақли норасо Мухаммадин тахтта кўтармоқ режасини тузалдуради.

«Ҳаммасидан бохабар! Ер тагида илон қимирлаб билади бу хотин! Аммо... бу машғум сир-асрорин айтишдан муроди не? Бу игво, бу фисқи фисол ишларга даҳлим не менинг?»

Хатлибегим тўсатдан дуррасининг учини жавдан елкасига отиб, Берунинга тик қаради, сурм тортигилган кўзлари амақандай совуқ чақнаб:

– Наҳот, бу дарднинг давоси бўлмаса, мавлоно? Деб сўради. – Кеча саройда назм аҳлининг суатони жаноб Унсурий бир сўз айтмиш. Ҳиндистон томонда, қайси бир наҳр ўртасидаги оролда «неъматин илоҳий» деган фаройиб бир дарахт ўсар эмиш. Бу дарахтнинг мевасини тановула қилган хастаи нога вон танасидаги барча дардларидан фориг бўлур чола бўлса қирчимлама йигит, кампир бўлса... бу мадакка айланур эмиш. Жаноб Унсурий бу сўзин эски китобларда ўз кўзи билан ўқиган эмиш. Сиз ўша юртларда бўлгансиз, мавлоно, айттинг, масаҳун беринг, қандай топса бўлур бу «неъматин илоҳий»ни?

Берунинг Хатлибегимнинг илтижо билан жавдидан қалгини кўзларидан нигоҳини узиб, ерга қарай қарай билан Ҳиндистонда шаҳарма-шаҳар шарифлар келиб юрган чоғларида кекса қоҳинлардан шиготган галати бир ривоят эсига тушди...

«Ушшош тон музофотларининг бирида донги оламга келган бир пошшо бўлган эмиш. Унинг тўзада бир қизини бўлиб, пошшон олам унга чексиз меҳр кўйган эмиш. Қунардан бир кун ўша тўти қафасда туриб, пошшон олам билан сўзашар экан. Ногаҳон осмонда юз бир тўти пайдо бўлайди-ю, икки тўти сўзаша қолди. Аммо сая ўтмай қафас ичидати тўти бетоқат қизиб келтирай бошлабди, сўнг йиқилиб жон тасалим қилди. Пошшон олам кўп қайғу ва ҳасрат чекиб, қизини жасадини боққа олиб чиқиб ташлабди. Тўти ва қафасдан қулулган ҳамон учиб, дарахт шохига қарай кўлибди. Пошшон олам хайрон бўлиб:

«Эй, қушларнинг сарвари! – дебди. – Мендан не қилдинг кўрлингки, суҳбатимдан қочасен?»

Тўти шажаруфторлик қилади:

Шоҳим, – дебди. – Хизматинг ҳақини унут-қилдинг. Аммо... мен ҳам тўтилар пошшоши эдим. Тўтилар мени сента тирифтор қилаиб, қафасингга қалтирдан бўён тобедалрим менинг фироқимда қотам тутмишлар. Ёнимга келган бу тўти менинг қимматим, нимим айтдики: «Э, оғам, пошшон оламдан бир неча кунга руҳсат ол, ёру биродарларинг ёнига беринг уа мажруҳларни хижрон азобидан қутқаз, ёни ила қайтиб келиб ваиненъматинг хизматини қил». Мен унга: «Пошшон олам сўзимга кўнмайди», дедим. Ниним айтдики: «Сен ўзингни ўликка сод, ерде, ўаминин қутуамайсен!» Ақисса, мен шу тадбир билан ўзимни хаалос қилдим! – тўти шу сўзини айтиб, нимиси билан бирга учиб кетди.

Пошшон олам кеча-ю кундуз йиғида бўлди. Бир неча кундан сўнг унинг висолидан умид узиб ў-

тирган эди, қараса, ўша тўти қайта парвоз қилди келди. Тумшугида бир дарахт ниҳолчаси бор эди. Пошшо ниҳоятда хушвақт бўлиб деди: «Эй, тўти! Мени фиरोқ бавосита ташлаб кетгани қандай жўраг ағ этдинг?»

Тўти айтдики: «Бир қошиқ қонимдан кечини пошшои олам, зероқим, кўп муддатдан бери хешу ақрабонаримдан жудо бўлиб, кўнглим вайрон эди. Бордим, уларнинг дийдорини кўрдим ва мана қонгиб, даргоҳингизга келдим».

Пошшои олам тўтини кўп эъзолади. Сўнг: «Бу олаиб келганинг қандай ниҳол?» – деб сўради. Тўти айтди: «Шоҳим, мен сиздан кетиб ўз маконимда борганимда дўстаардан ҳазратимга муносиб тухфани тайёрлашларини илтимос қилдим. Улардан бири «Мен фалон оролда бир дарахт кўрганмен. Мени сининг хосияти шулки, агар қари еса дарҳол йинги бўлур, хастаи нотавон еса шу замон сиҳат топадура деди. Мен: «Оламда мундан яхши тухфа йўқдир» деб мазкур дарахтдан бир ниҳолча олаиб, даргоҳингизга келтирдим».

Бу сўздан мамнун бўлган пошшои олам боғбонини чақириб: «Бу меваси навжувонлик ато қилгувчи мўъжиза дарахт ниҳолидур, уни яхшироқ парварниш қил!» – деди. Боғбон ниҳолни боққа элтиб ўтказди меҳр билан парварниш қилди. Ниҳол тез фурсатда камолга етиб, бир неча йилдан сўнг мева қилди. Илтифоқо, унинг мевасидан ерга тушганини бир наво оғзига олаиб, заҳар солди. Бундан беҳаббар бўлган боғбон мевани товоққа кўйиб, пошшои оламининг олдига келтирди. Пошшо мевани емоқчи бўлди. Унинг бир вазири бор эди, деди: «Шоҳим, сиздан пошшои олам учун бундай нарсаларни синаб кўрмай тановула қилмоқ жоиз эмас!»

Алқисса бу мевани мулозимларидан бирига едирдилар. У одам мевани еган замон жон тасани

ниҳол. Пошшои олам ажаб ҳолатда қолиб, тўтига деди: «Эй, бадбахт! Сен менга душманлик азмида қонингга қасд қилдингми?»

Тўти қаранг: «Шоҳим, бу ишни текшириб ҳақиқатни билди. Бу ишда бир сир-асрор бор», демасин, пошшо одам сўзига қулоқ солмади. Тўтинни ўлдирдилар. Пошшо дарахтнинг ҳам йиқитиб, ўтин қилишни буюрди. Фиироқ айтди: «Шоҳим, бундай мевани бадҳазм сиздай пошшои олам хазинасида бўлмағи лозим. Душманни қилмамоқ учун бундан аъло дору йўқ».

Илтифоқо, боғбоннинг бир ошнаси бор эди. Қарангане юки қоматини камондек эгиб кўйган эди. У боғбонни кўргани келиб, боғни сайр қилар эди. Боғбон йўқ эди. Ногоҳ ўша дарахт олдига келиб қарангане, меваси гарқ пишган. Ундан бир донга тановула қилган эди, дарҳол навжувон йилит бўлди. Боғбон қарангане қараса, бир ёш йилит хиёбонда юрибди. Дарҳол бўлиб сўради:

«Сени бу боққа ким киргизди?»

«Биродар, мен фалон дўстинг бўламан».

Номалъқула гапни кўй, у кекса эди, сен қирчиладан йилитсен!

«Эй, биродар! Боғингда бир турлик мева кўрдим, равон тановула қилдим, шу сифатга кирдим, ўзимни қайронмен».

Алқисса, боғбон ўша мевадан бир товоқ олаиб, ўз биродарни билан пошшои олам хузурига равона бўлди. Келиб бўлган воқеани араз қилди. Пошшо синаб кўриб амин бўлдики, тўти рост айтган экан. Шунда пошшо боғбондан: «Сен олдинги мевани дарахтдан қайрилишиг эки ердан?» – деб сўради. Боғбон ердан қайрилиши айтди. Маблум бўлдики, унга илон заҳар қилган. Пошшо тўтинни ўлдирганига тушаймон чеканиб, бутун умри қайғу билан ўтди...»

«Ғароғиниб ривоят! Жоҳида ҳокимларни сабр-тоқатини айловатта чорловчи ибратли ривоят!»

Беруний бу ривоятни эшитган захотийёқ уни кўн йиллардан бери йиғиб юрган афсоналар ва ривоятлар дафтарига ёзиб қўйган, бир кун ўзинини «Ал-Осор а-Боқия» деган тарихий асарига киритиш орузсида эди. Лекин ҳозир... ҳозир бу ҳикоят, ҳар қандай ҳастага сиҳат келтирувчи «неъматни илоҳий тўғрисидаги бу ҳангома шунчаки бир чўлпачак эканини, абадийлик орузсида ожиз банд яратган шунчаки бир ривоят эканини қандай айтди? Яхши бўлсин, ёмон бўлсин, бир маҳамаар унга бир неча тотли дақиқа бағишлаган, ҳозир эса мулҳини ҳақиқат олдига ундан нажот сўраб келган бу ифлага не дейди? Юз амри иссиқ, унинг кўнглини қандай оғритади?

– Бегим, – деди Беруний, кўзини ердан узмай, минг йилларки, бани башар сиз айтган бу «неъматни илоҳий»ни қилиради, минг йилларки, уни топишни оруз қилади. Аммо уни топмоқ ҳеч бир қимсага насиб этган эмас, бегим!

Берунийнинг сўзини Хатгайбегимнинг:

«Юк, Ибн Сино янглишмади, у бу одамни қаердадир кўрган! Кўрган! Бироқ... қаерда? Қаён? Во дорин! Наҳот, бу... бу ўша, ёшлик чоғларида Бухорини шарифда, Жўйи Мўайён даҳасида бирга ўсган Абу Ҳалим ибн Файсал... йўк-йўк, Абу Ҳалим эмас, амалнималги ва фоҳишабозлиги учун Абу Шиақим ибн Шаҳвоний, деб чиқарган эркатой бойвачча қаради? Ҳа, ўшал! Худди ўзи! Ё, тавба!»

Сулатон эса... май ва афюндан қисик кўзлари билан одам чақнаб ўтирган бу сармаст, қоқсуяк одам

Ибн Сино тасаввур этган султон Маҳмуд Ҳазнавийга, кирк йил оламни тигратиб турган фотиҳи музаффарга ҳам ўхшар, ҳам ўхшамас эди! Унинг қуриган теракдайд узун, қоқсуяк гавдасида, бутун қажраи важоҳатида саҳронинин ҳокимларга хош пинҳоний бир куч сезилиб турар, бирок ажад муҳри босилган ялтоқ сарғиш юзида, қисик кўзларининг носоғом чакнашида кишини чўчитадиган тебди-намо бир ваҳима бор эди!..

Ибн Синонинг хаёлини султоннинг совуқ заҳар хандаси бўлди.

– Ҳа, нечун оғизларига талқон солиб олдилар, Сўзасинлар, ҳазратим!

Ибн Сино тазъим бажо келтириб:

– Олампадох кечиргайлар! – деди бианабар-бининмас кулимсираб. – Шу бутунгача фақир Абу Али ибн Сино эканимга иштибоҳ қилмас эдим. Ў лекин энди, ҳузурларида бу ҳазратларини кўриб, ўзимга-ўзим инонмай қолдим, пошшон олам!

Абу Шиақим ибн Шаҳвоний султоннинг қуловини эгилиб:

– Е, тавбал – деб шивиради. – Тушим! Худди тушимда кўрганларим, олампадох!

«Туш» сўзини эшитган султон тўсатдан қисни кўзлари ярқ этиб очилиб кетди.

– Сени бу дартоҳга ким йўллади, ким сени ҳақини даврон Ибн Сино деб донг таратди, эй осий балбл! «Неъматни илоҳий»га кетган анов кузгун... вазира аъзам қайда?

Хатгаибегим яна султоннинг ёнига тиз чўкиб, унинг катта, қоқсуяк кўларини ўтди.

– Ортоби олам! Ибн Сино ҳазратларини топпи келган вазира аъзам эмас! Бу зоти шарифни сиз олампадохга садлоқати боқий фарзандлигига шак зода Масуд йўламагандур, оғажон!

Шаҳзода Масуд номини эшитган султон кутна мағанда қалтироқ босиб, совуқ кулди:

– Ачар амир Масуд йўламаган бўлса, ҳазратларига инонмоқ даркор!

– Оғажон! – Хатгаибегим султоннинг кўлини кўйиб юбормай қайта-қайта ўтди. – Нечун инонмайсиз, оғажон? Ҳазратларини танийдурғон олмадар бор. Мавлоно Абу Райҳон Беруний бор!

– Мавлоно Беруний не керак бу ишда? Ким чин Ибн Сино, ким ёлгон – бу жумбоқни ҳозир ўзим ечимен! – Султон кўлини сингласининг кўлидан тортиб олиб қалдини ростлаб ўтирди. – Уа «неъматни илоҳий» қайда ўсади? Кимки чин Ибн Сино бўлса – буни биламоғи даркор! Бу илоҳий дору унинг ёнида бўлмоғи даркор! Сўзим тўғриму, ҳазратим?

Ибн Шаҳвоний бирдан юзига қон югуриб:

– Тасанно, ортоби олам! – деб юборди. – Буюк донишқоннинг нишонасидур бу сўз!

Ибн Синонинг ёдига «неъматни илоҳий» тўғрисидаги Берунийнинг ҳикояси тушди-ю, лабидаги мулҳини яшириш учун бошини пастроқ эгди. У до-рове-саатанатда бўлаётган фаройиб хангомаварнинг бир чекасини эшитган бўлса ҳам, бундай хийла-ю нафрангга дуч келишини тасаввур этмаган эди. Уни, айниқса, султон ола қолдирди. У давосиз дард бини одамни ҳар кўйга солишини билса ҳам, бу кайсар ҳокими мутлақни бундай аянчали ва жунун қолди кўраман, деб ўйламаган эди. Унинг ўзи-чи? Келиб-келиб қариган чоғида, бу бераҳм, мустабид илоқ саройида «неъматни илоҳий» ҳақидаги жумбоқни ечиммай «сохта Ибн Синога айланнишини» тасаввур эттимиди? Дарҳақиқат, бу тескари дунёнинг тебди ўқинларини англаб бўлмас экан!

Ибн Сино ҳамон ўйга толиб, пойақда бош этиб турар, унинг дидадаги ҳислар кунундай чарх урар, олам заҳархандага, заҳарханда аччиқ аламга ай-ланар эди.

– Хўш, нечун хазратлари тили ола, қулоғи қар бўлиб қолдилар? Чин Ибн Сино бўлсалар, жумбоқини ечсинлар, хазратим!

Ибн Сино лабларидати аламаи қулагини яширишти уриниб:

– Офтоби одам бир қошиқ қонимдан кечгайлар! – деди оҳиста. – Фақир шу бутунгача ўзимни Ибн Сино деб юрган эдим, аммо энди Ибн Сино эмасангимга инондим, зеро, олампахоҳнинг бу саволини ечишга ожизмен!

Суатон ёстигининг тагидан олтин шакиддорини олиб шакидлатмоқчи бўлди. Бироқ Ибн Сино қутиманган бир қатъият билан қўлини кўтариб уни тўхтатди. Унинг кўлка мойил катта-катта кўзариди, қанни қошларининг чимирилишида, тавакасасиз, маррур ва ваэмин туршилда кишини ўзига ром қилувчи шундай бир куч бор эдики, суатон бу зоҳирий кучга беихтиёр таслим шакиддорини кўтарганича қотиб қолди.

– Хақимлар ҳеч қачон, ҳеч қимга, ҳатто, ўз инимларига ҳам, алхусус, улар бестоб бўлса, – деди Ибн Сино ҳар бир сўзини чертиб-чертиб, – ёмонани тилаган эмас. Камина сизга ҳам сиҳат тилаймэн, амир ва-мўминини! Хақим хазратларига эса... – Ибн Сино суатоннинг ёнида ҳамон питирааб ўтирган Ибн Шахвонийга қараб, мийнигида қулади. – Жаноб Абу Шикаким ибн Шахвонийни эса хазрат Ибн Сино бўлганлари билан чин қаабимдан қутваймен!

Ибн Шахвоний шитоб билан ўрнидан туриб:

– Фармони олай – амри Худодур! – деб бақирди – Даф қил бу муғамбирни, Абул Ҳасанак!

– Оражон! – Хатгаибетим, кўзида ёш, суатоннинг тиззасидан қуъди, бироқ суатоннинг шароб тўла илпшта қўл чўзганини кўриб, ўрнидан сакраб турди-да, ўзини ташқарига урди. Зум ўтмай йўлакдонининг:

– Хазратларини кўйиб юбор, ҳезбаъча! – деган бўрик, ўктам овози эшитилди.

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

I

Ё, тавбал Ё, алҳазар! «Ал-Қонун» ва «Аш-Шифони яратиб, донғи бутун оламга кетган, хақими даврон ва, ҳаттоки, шайх ур-раис номини олган хазрат Ибн Сино ёвонга чиқиб, икки маккор вазир фирби нингда «ўйлаб» тошган бир ибалис чин Ибн Сино деб топамини! Буюк аламома ва пок инсон ҳақоратомуз сувар билан саройдан ҳайдалиб, Ибн Синонинг номини булағаб аҳли мўминни тўнаб юрган бир шайтонин дайн бўйи баробар ганжга кўмиламиши!.. О, бу тавба дунё, тавба дунё!

Беруний ҳеч қачон бунчаалик фиғони чиқмаган, ҳеч қачон бунчаалик дарғазаб бўлмаган эди. Назаринда, Ибн Синони эмас, унинг ўзини мисасиз таҳқир қилишган, Абу Алийни эмас, уни сохта Берунийга чиқариб, саройдан ҳайдашган эди!..

У юрагини ўртаган ички аламдан чўзингчоқ қорингаги юзи баттар қорайиб, расалхонанинг кенг, овулда хонасини тинимсиз айланар, гоҳ оёқ остидаги палтадар ва курсиларга қоқилар, гоҳ расад туйнуги оғлида тўхтаб, кўкдаги юлдузларга тикилганича нааман сукутга толар, бироқ зум ўтмай машъум ноқса қайта эсига тушарди-ю, «О, малъунлар, малъунлар!» деганича яна асабий ҳолатда расалхонани айланпшта киришар эди.

Ибн Сино эса аксинча, одатдагидан ҳам ваэмин киришар, лаблариди, хорғин кўзариди хиёла маҳзун тибисум, Берунийни тинчтиштига уринар, дам бадам қулайб:

– Кўнонманг, устод! – деб ёвворарди. – Бани одам ёнино бўттики донолар гурбатда, нодонлар иззатда эмасму? Нечун ажаблаласиз, устод?

Беруний юришдан тўхтади, кўзини юмиб, қаттиқ ир тортди.

– Йўқ, мен ажабланмаймен, Абу Али! Сен айтган аччиқ ҳақиқатни фақир ҳам биламен. Ва лекин, бисам ҳам тоқат қиломаймен. Ҳар сафар бу машъум ҳақиқат юрагимни тилка-тора қилади, илао мен қорнига эмас, қадрига йиғраймен. Сендаги аамоларнинг қадрига йиғраймен, азизим Абу Али!

– Не чора, устод? Ҳзингиз биласиз, донолар фарҳди кўжжа бориб ета бермас экан! Тўғриси айтсам, камина тақдирининг бу ўйинидан, ҳатто, миннатдормен! Менинг бағиз истагим – тезроқ, илож бўлса бутун-эртадан қолмай бу ердан кетмоқ!

Беруний яна юришдан тўхтаб, тасдиқ ишорасиди бошини эгди.

– Ҳа, ҳа, сен кетмоғинг даркор, азизим. Бу нотинч шаҳардан тезроқ кетганинг маъқула. Аммо... қандили кетасен? Сенга от-улов керак, озик-овқат керак, йўла кўрсатадиган одамлар керак!..

Ибн Сино болаварча бир самимият билан кўзини қисиб қуади:

– Сиз сарбозлар куршовида қолган бу расалхонадан оиб чиқа олсангиз бас, у ёғига камина ўзим йўла топамен, устод.

– Йўқ, йўла топиш сен ўйлаганча осон эмас, Абу Али. Сен султон Маҳмуд айғоқчиларини тасаввур ҳам қиломайсен!

– Тасаввур қиламен, устод. Аммо Фазнада Малик уа-шароб деган бир дарвеш бўлмоғи даркор. Ушша дарвешга йўла топиб берсангиз бас...

Беруний кўзларини катта очиб:

– Малик уа-шароб? – деб хитоб қилади. – Сен... сен уа дарвешни қайдан биласен, Абу Али?

Ибн Сино ўзига ярашган мош-туруч соқолини сидаб, хушнуд қуади:

– Фақир биламаган сир-асрор йўқ, устод! Малик уа-шароб у ёқда турсин, ҳатто, бу юртда султон Маҳмудга қарши қилыч чархаган баҳодирларни ҳам биламен!

– Ёлпирай! Ким экан уа баҳодирлар?

Ибн Сино эшикка бир қараб оади.

– Имом... Исмоил Ғозий!..

Беруний ҳам беихтиёр эшикка кўз ташлади.

– Имом Исмоил?

– Балли, устод! Аҳволимдан Малик уа-шароб набар топса бас, уа имомга етказадди. Алқисса, бу рўтқудан пинҳона кутулауб чиқсак, у ёғи имом Имомга хавола. Фақат Малик уа-шаробни топиб, уни бу ишдан огоҳ қилмоқ лозим, холос!

Малик уа-шароб хибсдан озод бўлдими, йўқми – Беруний бундан беҳабар эди. Лекин унинг хаёлига келган бу фикрни бошқа ўй, бошқа савоалар суриб чиқди: Фазнадан уч юз фарсанг йироқда юрган Абу Али Малик уа-шаробни қайдан билади? Имом Имомнинг-чи? Наҳот, Малик уа-шароб имом билан пинҳоний алоқада бўлса?

Тору тошлар орасига макон куриб, бой тижорат экан ва ман ман деган аённу боёналарни зир титратиб юрган, лекин ҳеч кимга, ҳатто, султон Маҳмуд дашқарарига ҳам тутқич бермай кеаётган, мусжидларда алақачон даъватланган бу исёнкор, депонорак одамни билса-ю, бу сирни ундан, қил ўтмас қадрдони Абу Райҳондан сир тутса?

Берунийнинг чуқур ўйга толганини кўрган Ибн Сино алақандай хижолат чекиб:

– Сиз кўп қайгура берманг, устод! – деди. – Агар Малик уа-шароб бўлмаса...

– Малик уа-шаробни сўраб-суриштирамен, – деди Беруний. – Аммо... – Унинг хаёлидан: «Малик уа-шароб хибсдан чиқдими, йўқми – буни ўзим ҳам билмаймен!» деган фикр ўтди-ю, бу фикрни ичига юттиб, такрорлади. – Дарҳол суриштирамен!

– Аммо расалхона султон назоратиде! – деди Ибн Сино, гўё унинг фикрини нағаб оиб. – Каминани мана шу нарса ташвишга солмақда. Чунки... имом

Исмоил навқарлари бостириб келса қон тўкилишни муқаррар. Фақир эсам... қон тўкилишини истамаймен!..

– Унинг ҳам чораси топилур! – деди Беруний. Расалхонанинг остида тоғ орғига олиб чиқадиган лаҳим⁵⁵ бор! Эҳтиёт шарт деб, султон ўзи қурдирган бу лаҳимни!..

Ибн Сино янат этиб Берунийга қаради.

– Камина бу лаҳимдан чиқиб қочсам... сизнинг ахволингиз не бўлур? Бошингиз баалога қолмасму, устод?

Беруний бегоқат бош чайқаб, унинг сўзини бўлиди. – Бу бош не мусибатларни кўрмаган бош. Абу Амр Бошга тушганини кўз кўрар, дейдилар! Каминани бу ташвиш эмас, норасо дунёнинг нопок ишлари куйдиради, Абу Амр!

– Не чора, устод?

Йўқ, кўҳна оламнинг бу тескари ўйинлари иккаласи учун ҳам янгилик эмас. Иккиси ҳам бу азалли адолатсизликлардан нола қилиш бейфойда эканнинг нозик хис этади, шу боисдан ҳам кўп мусибатларни бошларидан кечириб, кўникиб кетган алаоматларни хос бир донолик билан дам хис қулимсираб таниришар, дам маҳзун ўйларга кетишар эди. Бирок тирик одам, тоҳо-тоҳо, аламли ўйлар хуруж қилиб келганда, хусусан Беруний, тўсатдан портлаб кетганини ўзи ҳам сезмай қоларди.

Бу сафар Беруний кўларини кўксидида қовуштирганича, осмонга тикилиб узок сукутга толди, сўнг қарғи бўғич овози амақандай самимий ва ўйчан оҳанг касб этиб, тиниқ янгради:

– Ё, тавба! Бу тўза олам, бу муссаффо осмон, бу ёруғ юлдузлар, кўйингки, бу мукаммад оламнинг бунёд этган Худованди қарим, нечун ўз бандасини бундайин номукамма қилиб яратди? Автар бу

⁵⁵ Лаҳим – ер ости йўли.

Фоний дунё, Абу Амр, сен айтгандай буюк зарурат ва етук ақл-идрок асосига қурилган бўлса, нечун бу улуғ қонуният бани башар ҳаётига келганда ўз кучини йўқотди?

– Осий бандангни ўзинг кечиргайсен, э Яратган дим! Ва лекин... агар бандангни лойдан яратиб, унга ўз нафасингдан уффуриб жон ато қилганинг рози бўлса, нечун бу жон билан бирга унга жаҳолат ва қаллоблик, худбинлик ва разолат янглиғ тубан ис-тиқоатни кўшиб бердинг? Нечун унга бошқа ҳеч бир тирик зотга ато қилмаган ўткир тафаккур ва етук ақл-заковат инъом этиб, бу ақл-заковатни тубанлик, разолат ва қабоҳат йўлида ишлатмоқни раво кўрддинг? – Беруний, тўё кўкдан сало кутгандай бир нафас сукутга чўмди. Ибн Сино тўё унинг муғгли кўлидай секин оққан овозига сеҳрлангандай бошини ошаттирганича маҳзун ҳаёлларга толган эди.

– Йўқ! – деди Беруний, ҳамон дард тўла ўша ўйчан овозда. – Камина билъат ва хурофот асирлари бўлинш уламон забардастлар ақидасига, сенинг иродангсиз пашша ҳам бўлмайди!.. деган фариб қаломдарига инонмаймен, э сарвари кинот. Камина қим, дэизим Абу Амр каби бу олам зарурат қонунини қурилаганига инонамен, бани одам эса сен ато қилган ақл-идрок ва инсофу адолат асосида ҳаёт кечирмоғи дозим эканига иймон келтирамен! Аммо бу тубанликларни кўриб яна ўз ўтгимда ўзим қовури-ламен. Не чора? Ахир ўзинг ато қилган ақл-заковат қайда-ю, бани башар ҳаётидаги бу тубанлик ва бу разолат қайда? Шу боисдан ироданг ва қудратинг олдиди сажда қилган ожиз банди, сен яратган бани башар ҳаётидаги бу қабоҳат ва жаҳолатни идрок этишга ожизмен, ожизмен!..

Ибн Сино аста юриб Берунийнинг ёнига борди. Тўё унинг теран ўйларини хуркитиб юборишдан қўрққандай, секин унинг елкасидан қучди.

– Бехуда иштироб чекасиз, устод! Зеро, сиз айтган бу разолат ва жаҳолат янгилик эмасдур бу кўҳна дунёда!

– Бидамён, Абу Амр! Хаммасини бидамён! Аммо... «Ав-Конун»ни яратган Ибн Синони бундай хорру зор қилмоқ!..

– Кўйинг, устод! Наҳот, бу ҳақдаги ривоятни эшитмаган бўласангиз?

– Не ривоят?

– Шундайким, буюк бир донишманд бани башарнинг нопок истақлари ва тубан эхтиросларини бир уйга қамаб кўйилган уч маҳлуқ – одам, тўнғиз ва арслонга ўхшатган экан. Бани одам деганда у ақа-идроқни назарда тутибди, тўнғиз деганда инсоннинг чиркин хоҳишларини, арслон деганда эса қару қазабинини назарда тутибди. Бу уч маҳлуқнинг қайси бири зўр чикса, қамалган уйда ўша устунлик қилар эмаш.

– Хўш, хўш?

– Бу қиссадан хисса шулки, тўнғиз билан шер, яъники тубан эхтирослар қанчалик зўр бўлмасин, бани одам, яъники ақа-идроқ енгусидир!

– Хайҳот! – деди Беруний аста бош чайқаб.

– Бу кўҳна дунёни каминадан яхши биласин, устод. Юз йиллар, балки минг йиллар ўтар, аммо барибир, охир-пировардида ҳамма нарсадан ақа-идроқ устун чиккусидир!

– Минг йиллар! – деди Беруний. – Минг йиллар! Донишманд ҳақ: бани одам тўнғиз билан шерни енгади! Фақир ҳам бунга ишонамен! Аммо... камини бутунни ўйлаб қуямен, Абу Амр!

Ибн Синонинг лабларига яна ўша, кишини ўн та ром қилувчи киноя аралаш мулоҳим табаассури зуҳур бўлди.

– Бутуннинг ташвиши ўзига етар, устод!

– Дарҳақиқат, хозир фалсафий ўйларнинг вазнин эмас, Абу Амр! – Беруний шундай деди-да, ёш таври

навис Абулфазл Байҳақийни чақириб, Ибн Синони унга топишди. Ўзи эса лаҳим орқали расадхонадан чиқиб, шаҳарга отланди.

Ҳали Малик уа-шаробни топиш ва унинг ёрдамида Ибн Синонинг саломини имом Исмоилга етказиш керак, аммо бу ишдан фойда чиқадими, йўқми – бу бин қоронғи эди.

II

Беруний шаҳар ҳовлисига кириб борганида тонг отиб қолган, хира тортган кемтик ой Мозори қалон ортдаги тоғлар устида заифгина милтираб турар, имон тўла юлдузлар гўё кемтик ойнинг заифлигини севингандан, алақандай чарақлаб кетанди.

Тонг салқин, майин, оромбахш эди, дашт гиёҳлари, барра кўкат ва райхон хили димоққа гўл-гўл урарди! Ҳамма ёқ жимжит. Дарвоза негадир муалфанимаган, катта сердароҳт ҳовли жимжит, шуви, фақат ҳовлининг этагида ариқ аста жилдирар, қасрдадир оқисда тегирмон новидан куйилган сувнинг соқин гувиллаши эшитилар, гоҳо-гоҳо, ўзек-йқинда итлар хурар, хануз мулҳиш таҳликадан қутулмаган шаҳар энди уйғонмоқда эди.

Беруний, ҳамон рагитин ўйлар огулида, аста юриб қаманинг этагига борди, ариқ бўйига чўнқаниб, юзини ювди, бўйларни бир қарич бўйиб қолган митти раққоналарга кўа уриб, хиллаб кўрди, сўнг бир-бир боғиб уй томон олдилади.

Ажаб ҳол. Сабух хужрасининг даричаси ёруғ, шириндан, у уйқудан туриб, мутолаага киришган эди. Беруний оёқ учида юриб, дарича олдига борди. Сабух хужранинг қиба томонига чўккалаб ўтирар, муалла қандайдир қизил мато, кўзлари юмук, дам билини ерга уриб алланимадарни пишираар, дам муаллаги қизил матони ўтар эди. Тоқчадаги хира

фонус шуъласида Сабухнинг юзи кўринмас, бирок бутун хаёли, бутун вужуди билан кўкка илтижо этиб, ибодат қилаётгани кўриниб туради.

Беруний, кўнган амманечук бўлиб, даричага яқинроқ борди-ю, беихтиёр юраги «шир» этди. Сабухнинг кўлидаги қизил мато... Садафбиннинг қизил гулдор рўмоли эди!

Сабух гоҳ бу рўмонни ўтиб, гоҳ бошини ерга уриб, ўз худодаридан бирита, бахт ва омад худоси Шивагами, ё хаёт-мамот худоси Бораҳимгами, ё худ бош худо Вишнагами, кимгадир, илтижо этав, тақрор-тақрор сажда қилиб, нола чекарди.

Беруний юраги қаттиқ ачишиб, деворга суянди, суянган захоти негадир ҳибсдан аввал Садафбин билан бўлган тунги суҳбат эсига тушди. Қизининг унинг хужрасига хуркак кийикдай аста юриб келиб келгани, қаршисига тиз чўкиб, йиғлаб айтган сўзлари, бу сўзлар кўнглида аммакандай ширин умид кўзгагани хотирасида жойланди-ю, юраги виждон азобидан баттар зирқираб кетди. Назариди тўё икки ёшнинг бошига тушган бу мусибат учун у ҳам айбдор, тўё ўша дақиқаларда ёшга номуносиб умидларга бормай, уларни қовулштириб кўйганида бу жафо содир бўлмас эди!

Беруний унга киришга юраги дов бермай, аста кўчага чиқди. Шояд Маник уа-шароб шўрлик бинидан хабар топган бўлса! Шояд имом Исмоил воситасида бўлса ҳам қизни кутқариш чораси топилса!

Сангтарошлар даҳасига қираверишда ўзини тўқроқ деҳқонлар, хорикий савдогарлар, зарғар ва мисгарлар, бозори чаққон хунармандлар растаси саф тортган, йўқсимлар, гадолар, майда қосиблар макони бўлиши Маник уа-шароб маҳамасига шу расталар орқали ўтиб боришарди.

Ана, оқдинда сердароҳт гузар кўринди. Гузарданги илқ дўкондорлар, ҳалвофурӯш ва қандолатпазлар,

сомсапаз ва нонвойлар ўз дўконларини очилган, қандола димоқни қитиқловчи тандир сомса, ҳолван кабиб ҳиди тарала бошлаган эди.

Расталар оқдида чарм камзул кийган мешкобчилар оғир мешларидан ерга сув сепар, фаррошлар ўзини султурғилари билан йўлларни султурар, чап кўлидаги қатта қарвонсарой ҳовлисида савдо таралдушга тушган тижорат аҳли чумолидай гимираб қонилган эди.

Беруний, гавжум гузардан ўтиб, атторлар ва паргарлар растаси бўйлаб кетди. Бу ерга ҳам сув сепилган, фаррошлар ёр томса ялагудек қилиб султуриб кўйилган эди. Лекин, қизик, одатда жуда биринчт очилган серхашам дўконлардан бирортиси ҳам очилмаган, очилганлари қайта ёпишмоқда, нимадандир ҳаяжонга тушган дўкондорлар ширин-шивир қилишиб, раста охиридаги бозор томон шонилмоқда эди.

Агар Берунийнинг ёдидан чиқмаса, Пири Букрининг дўкони ҳам бозор яқинида эди. Ана, муношда унинг дўкони ҳам кўринди. Бироқ... бу не ўнволон? Дўкон олди аросат, ҳамма ўша томонга қариб югурмоқда эди.

Беруний ҳам беихтиёр қадамини тезлаштираркан, атрофдан келаётган ваҳимали гап-сўзлар қулоғига чалинди:

- Шўрлик Пири Букрий оламдан ўтибди!
- Худо раҳмат қилгай! Яхши одам эди!
- Туф де, тумроҳ! Яхши бўлса шундай қилурми?
- Не қилибди?
- Ўзини ўзи осиб кўйибди!
- Астафкурулло!..
- Билмай сўзлама, тентак! Пири Букрий эмас, Фуриси ўзини ўзи осиб кўйилгити!
- Ё, алҳазар!

Одам оқими тобора тошиб, дўкон оқдида қатта омононга айланган эди.

Беруний, бирдан исканжага олган совуқ туғдан юраги сиқилиб, аридай гувиллаган оомон орасига кирди, якка-кифт бўлиб, оомонни базур ёриб олдинга ўтди. Бировлар уни таниб, бировлар амомаларга хос сипо кийимига қараб, йўа беришди. Оомон узра ҳамон ўша ваҳимали гап, бир-биринининкор этувчи ўша шивир-шивир ҳоким эди.

Тўсатдан, дўкон эшити тарақлаб очилди-ю, ичкаридан боши хумдай, пакалагина, чорпахча бир кимса алпанг-талпанг юриб, йўқ, юриб эмас, юғуриб чиқди-да, оомонни кўриб, қоққан қозниқдай қотиб қолди.

— Ё, тавбал! Ичкаридан худди Азроилдан қочгандай қочиб чиққан бу ёқавайрон, яланг оёқ, яланг бош одам... Пири Букрий эди!.. Унинг соқо-муъйовларни юлинган, бўғриққан юзи, туксиз тақир боши ва, ҳатто, бир қалақантдай сақасида дўлпайиб турган ўркачигача — ҳамма ёғи қоп-қора қон, кўлариди, тўдақнинг кўзаридай майсум кўзарида даҳшатли бир ифода қотиб қолган эди!..

Букрининг важохати шундай кўрқинчли эдикки, фада-товур бирдан сўниб, аридай гувиллаган оомон сув куйгандай жим бўлиб қолди.

Пири Букрий, даҳшат муҳраманган мовий кўзларини оазарак қилиб, бироз антрайиб турди, сўнг холадай осилиб қолган узун кўмарини паҳса қилиб: — Йўқ! — деб қичқирди. — Бу қиз... бу жориянинг мен останим йўқ! ўзини-ўзи осиб кўйдди уа беҳаёл!

Букри шундай деб, уввос тортиб йиғлашга туттинди-ю, тўсатдан, рўпарасида хайкалдай қотиб қолган Берунийга кўзи тушиб, йиғидан тўхтади. Худди уни таниб-таниёлмагандай, кўзларини қатга очиб, бир дақиқа серрайиб турди, сўнг ерга тиз чўкиб, унинг оёқларини кучоқлади.

— Мен бадбахтни кечиргайсен, мавлоно, кечиргайсен!

Беруний, тўё ақли хушидан айрилгандай, хануз юракхт бўлиб турарди. У бир ўйида оёқлари остиди юмиллаб ётган Букрини бир тегиб, ичкарига киргисин, шўрлик қизни кўргиси келди. Бироқ сиртмоқда қайқалиб турган қизнинг жасадини тасаввур қилди-ю, ҳамон ерда юмаалаб ётган Букрининг титроқ чекинди. Унинг юраги тинимсиз безиллаб орпир, ичкарида, кимдир кўксига занглаб қолган ўтмас итчоқ қадлагану қайта сугуриб олмаган эди.

Бо дариги! Қариган чоғида бу не мусибат, не кўрдулик? Охуддай тўзад, мусичадай бегуноҳ бу қиз унинг чироксиз хужрадай нурсиз, шўъласиз ҳаётида милт этиб ёлган бир шам эди, мана, бу шам ҳам сўнди. Ё, тавбал! Наҳот, боя тонг чоғи қилган пок ниёти, кўнгалдаги худбин истақарни жиловлаб, шўрлик қизни кеалин қилиш орузлари кўкка бориб етмади? Агар бориб етган бўлса, бу не шафқатсизлик, не адолатсизлик, э сарвари коинот?

Беруний, тузврга чиққач, таниш мешкобчидан бир коса совуқ сув сўраб олди-да, уни ичиб, сада тилда узоқ ўйга толиб ўтирди.

III

...Ҳади барвақт бўлса ҳам, Малик уа-шароб мешкоҳнасининг олдида одам гавжум, бировлар машкоҳна остонасида бошларини ҳам қилиб хаёла чўлиб ўтирар, бировлар у ёқдан-бу ёққа изғиб юрарди. «Ажабо! Бу не? Не чун кўпчиликнинг боши қим? Не чун ҳамма сукутда? Наҳот?»

Бўсавада ўтирган майиб-мажруҳлар жимгина чекиниб унга йўа беришди.

Беруний усиз ҳам безиллаб орғилган юраги багтар улиншиб, эшикни жуфтагисизгина очди.

Одатдагидай ғира-шира майкоҳна бўм-бўш эди. Турдаги тоқчада биттагина мой-чироқ ҳорғин ли-

пилаар, тоқчанинг тагида эгнига олача тўн кийган нотаниш бир кимса қулоҳлик бошини осилтириб ўтирар, у ўйғоқми, пинакка кетганми, билаиб бўлмас эди.

«Малик уа-шароб! Хайрият!»

Пойгакда тўхтаган Беруний қиба томондаги бурчакда... устига оқ мато ёпилган жасалта кўзи тушди. Жасалдинг оёқ томонида кимдир бошини осилтириб ўтирар, у ҳам Малик уа-шаробга ўхшаб чуқур сукутда эди. Берунийнинг кўнглидан: «Наргизабону» деган фикр ўтиб, авзойи бадани музааб кетди.

Малик уа-шароб оёқ шарпаварини эшитиб, аста бошини кўтарди, Берунийни таниб, ўрнидан турпишга ҳаракат қилди, бироқ туромади. Беруний тез етиб бориб, у билан кўришди. Кекса дарвеш туннов кўнглидан ҳам озиб-тўзиб, фақат сояси қолган эди.

– Қалайсен, азизим? Ҳибс деган баови азимдан омон-эсон кўтулдингму?

Малик уа-шароб дағал бармоқлари билан томоғини синаб, «куат» этиб югинди, унинг тоқчадаги мойчироқдай хорғин мингитираган кўзалари тўсатдан жикка ёшга тўлди. – Камини омон чиқдим, аммо... Бобо Хурмо... Бобо Хурмодан айрилиб қолдик, Абу Райхон!..

Беруний юзига фотиҳа тортди-да, бурчакка ўтиб марҳумнинг юзини очиб, кўрмоқчи бўлди, бироқ Малик уа-шароб:

– Кўя бер, Абу Райхон, – деб уни тўхтатди. – Гўнг дарвеш кўрхон ўқиб ўлтирибди. Ўқий берсин... Шўралик Бобо Хурмо! У кўрган азобларни Аммоҳ ҳеч бир бандасининг бошига солмасин! Кеча ҳибсдан чиқишда чивиндай жони ҳалқумида эди, қулабни вайронамга етормамай жон таслим қилди, шўралик! Пешинга чиқарамиз. Дафн маросимида бўласенму ё...

– Бўлмасам туноҳта ботамен, аммо...

– Биламен. Фазнага чин ҳазрат Ибн Сино ташриф буюрган эмиш.

– Буни қайдан билдинг?

– Ёдингда бўлсин, Абу Райхон. Малик уа-шароб билмаган сир-асрор йўқ. Бу жоҳида султоннинг жоҳида налимлари уни ҳам устод Фирдавсий янглив таққирлаган эмиш. Анов фирибгар Абу Шилқим Ибн Шахвонийни чин Ибн Сино деб, чин ҳақими дитронни ёрғон Ибн Синога чиқарган эмиш! Бу ишга кўюлма, Абу Райхон. Билъакс, бу ҳам султон Маҳмудга кўк юборган бир қасосдур!

– Филҳақиқат. Аммо ҳазрат Ибн Синонинг ҳаёти кифр остида, Малик уа-шароб!

– Биламен. Ҳаммасини биламен, Абу Райхон. Мен ўзим одам юбормоқчи эдим! – Малик уа-шароб шундай деб, Берунийнинг қулоғига шивиради:

– Имом Исмоилдан одам келган. Бу табаррук номдан хабаринг борму?

– Бор. Сен айтмасанг ҳам эшитганмен, Малик уа-шароб!

– Камини бу гапни шаръий заифам Наргизабонудан ҳам сир тутамен, Абу Райхон. Анқисса, ҳазрат Ибн Синога не ёрдам керак? Дарҳол хат ёзиб бер. Намоннинг одами кўтиб ўлтирибди! – Малик уа-шароб шундай деб тўрдаги тоқчадан қороз-қалам олиб берди, сўнг Беруний ёзган мактубни носқовоғига ишириб, ташқарига чиқиб кетди-да, дарҳол қайтиб килди.

– Кечкурун намози асрга қолмай жавоб келди. Истасанг, қулабни вайронамда кут, истасанг...

У сўзини тутатолмади. Тўсатдан, майхонаннинг эшиги шарақлаб очилди-да, кимдир ичкарига килириб, бир нарсани «турс» этиб ерга ташлади. Малик уа-шароб эшик томонга ялт этиб қаради-ю:

– Шоир Унсурий? – деб хитоб қилди.

– Хотирадарига тасанно, Малик уа-шароб! Танилмаар, азизим, танилдиар! Э-э, мавлоно Беруний қим шу ерда эканлар-да! Боракалло, боракалло! –

шоир Унсурий банорас тўнининг этаги билан ер султурганича алапанг-тапапанг юриб кеайб аввад. Ёсруний билан, кейин Маалик уа-шароб билан кўришиди, кўришаркан, тўё кўнгилсиз гапнинг олдини олмакчи бўлгандай:

– Факир Кўшкни давлатдан, офтоби оламнинг хузурларидан кемакўлдамен, – деди, пешона терини артиб. – Ёлники, уа ваалинеъмат амир аа-мўминининг баъоят зарур топиширини лутфан етказгани келдим, азизлар!

Шоир хаяжондан энгтикиб, нимқоронги бурчакка бир қараб кўйди.

– Уа бандан ожиз Бобо Хурмо қайдалур, азизим Кутлуғқадам?

Маалик уа-шаробнинг уйқусизликдан киртайган кўзлари ярқ этиб очилиб кетди.

Агар суалтони салотин Бобо Хурмони йўқдаган бўлсадар... кеч йўқабди! Бу фоний дунёни етим қопдириб, боқий дунёни мунававар қилмиш уа банди хокисор!

– Аммоҳ раҳмат қилгай! Качон?

– Шу бутун! Агар шўрлик Бобо Хурмо еган калтакларнинг ўндан бирини еганлариди жаноблари ҳам ҳибсдан чиқмасданок Боғи Эрамага парвоз қиллар эдилар!

Унсурий, тўё Маалик уа-шаробнинг бу аччиқ киноясини эшитмагандай, лабларини пичирлатиб, юзига фотиҳа торгди-да, ёқасини ушлаб:

– Э, Яратган эгам! – деб шивирлади. – Шу бутун уа бандан ожиз Бобо Хурмо... амир аа-мўминининг тушига кирмиш!

– Нечун ажабланасиз, назм бўстонининг боғбонни? – деди Маалик уа-шароб захархандалик билан. – Бобо Хурмо ҳали кўп киради суалтони салотиннинг тушларига!

Унсурий, хануз кўзлари юмук, лаблари аста пичираб, тилловат қиларди.

Суалтон уни кеча шом чоғи ўз шабистонига чақиртирган эди.

Унсурий кирганда қандимлардаги шамларнинг кўнчилиги ўчириниб, шабистон алақандай сирай руқ касб этган эди. Суалтон ўрдадай кенг, аммо алақандай хувилаб қолган бўм-бўш хонанинг тўрида, баланд шойи тўшак устида чалқанча ётарди. Унинг чўгир қовундай сўноқ боши оқ парқу ёстиқларга ботиб кетган, кўзлари юмук, осмонга қаратган ялпоқ юзи яна илгаригидай унйқиб, мумдайд сиррайиб қолганди.

«Ҳақими даврон» билан Абул Ҳасанак қайққадир тумдон бўлган, хонада алақандай ваҳимами суқунинг ҳоқим эди.

Унсурий, вужудини совуқ тер қоплаб, бўсағада янча турди, кейин ўзини зўрға босиб, суалтоннинг оёқ томонига ўтиб ўтирди.

Суалтон соғ пайтлариди Унсурийга оёқ уқалатишини яхши кўрарди. Амир аа-мўминининг бу одати эсига тушган Унсурий кўрпа тагидан чиқиб турган қоқсуяк оёқларга аста кўла чўзди, чўзиши билан суалтон чўчиб кўзини очди.

Унсурий, баданидаги туклари тиг бўлиб, сая орқага сурлади.

– Азизим Унсурий! – деди суалтон, овози базўр эшитилиб. – Боя намози асрда кўзим илинган экан, анов гадо... Бобо Хурмо деган Боғи Фирўзадаги кўрмозорнинг эгаси тушимга кирмиш. Устида каффи янглав оқ айбос, яланг оёқ, яланг бош, анов эшикдан кириб келмиш. Бир нарсадарни сўзлаб тилхид қилмиш. Не деди, сўзини англамадим. Сендан сўраймен хазинадордан бир хуржун олтин олиб, уни изаб топ! Шу олтинларни бериб, уни рози қил!

– Султон қудуқ тагидаги сувдай миғтираган мултган кўзарини шифтга тикиб:

– Ё, Парвардигор! – деб хитоб қилди. – Осий бандангни ўз хифзи химоьтингга оя! Кимгаки ёмонлик қилган бў'асам, яхшилик қилгум бор! Му-родим – фақат яхшилик қилмоқ, эндиликда, фақат яхшилик! – султон киприқлари орасида тирқираб чиққан кўз ёшларини артишдан ожиз куат-куат югиниб Унсурийга қаради:

– Анов хазрат Ибн Сино билан Абуа Ҳасанак қай-да? Нахот, «неъматги иаохий»дан дарак бў'амаса! Э, Драттан Этам! Ёзуғим недур менинг?..

...Унсурий чўчиб кўзини очди.

– Ё, қудратингдан! Амир аа-мўминин Бобо Хурмонинг рози-ризалигини оя, деб бир хуржун оатин юборган эди! Бир хуржун оатин!

– Тирикалтида хору зор қилиб, ўлганида из-зат-икром кўрсатишдан не фойда? – деди Маалик уа-шароб кюниб. – Ҳайҳот! Энди бу шўралик Бобо Хурмога оатин не керак?

Шоир Унсурий тўсатдан кўзига ёш ояиб:

– Шўралик амир аа-мўминини! – деб хикиямади. – Билмам, неча кунлик умри қоли оаампаноҳнинг!

Беруний кўнглидан: «Неъматги иаохий»ни топиб берган анов муттаҳам табиб қайда? Ё, бу ҳажими даврон топган «неъматги иаохий» оаампаноҳга шифо келтирмадимги, тақсирим?» деган фикр ўтди, бироқ Унсурийнинг нидосидан султоннинг аҳволини та-саввур этди-ю, густоҳлик қилгиси келмай, бў'зига келган аччиқ сўзарни ичига ютди.

– Ҳаммаси Аамоҳдан! – шоир Унсурий шундай деб, эшик томон юрди. Бироқ эшикдан чиқаётганида Маалик уа-шароб:

– Тўхтанг, жаноб Унсурий! – деб уни тўхтатди. – Агар амир аа-мўминин бу беғуноҳ гадонинг руҳини шод этмоқчи бў'аса... Бобо Хурмонинг ўз еридан,

Боби Фирӯздан бир парча жой берсин!.. Биз бу шўр-ангни суюкки хурмозорига дафн этаймиз!

Унсурий ердаги хуржунни аранг кўтариб еакаи-инга таццларкан:

– Офтоби оаамга етказамен бу сўзингизни! – деб қудранди.

– Етказинг! Султоннинг жавобини намози аср-ига кутамиз!

Маалик уа-шароб «тўғри қилдимми, йўқми?» деган-дан, савоа назари билан Берунийга қаради. Бироқ Беруний ўз ўйлари билан банд эди. Кўнгли ногинч, у дам расалдонада қолган Ибн Синони ўйлаб безовта бўлар, дам едига Садафбйби тушиб, тирноқларига-ча шрқираб кетарди.

Лекин қанча уринмасин, Ибн Сино келгандан бери, айниқса, кўп эзаётган ўйлар, теба тақдир-нинг галати ўйинлари, бани одам қисматининг ечиб бў'амас жумбоқлари, ўлим ва ҳаёт, инсоф ва адолат қаддаги ааамми ўйлар мясидан чиқмас, бироқ ўй-данган сайин ўйининг таги кўринмас, баяъакс, ҳаёли чамлашиб борарди. Ажабо: у ёшлик чоғлариди «ўлим ҳоқ» деган сўзни эпитганида бу сўз жуда адолат-сиз бў'либ тулоар эди. Энди эса бу сўзда буюк бир адолат борлигига инонди. Дарҳақиқат, агар амир аа-мўминин атаамипш бу мустабил шох яна минг йил яшаса, бани башарнинг аҳволи не бў'аур эди? Ёис, эндиликда бу дунё устуналаридан, яъники шер-лар ва шохлардан йироқ юрмоқ даркор! Бу ёрғон дунёда йили хикматдан, мутолаа ва мушохададан катта бахт йўқ экан! Ишқилиб, теба тақдир уни бу сўнги бахтдан ҳам мосуво қилмагай! Ибн Синони тутқундан кутқазиб, ўзи тутқун бў'лмагай хаали!

Намози аср бў'лди ҳамки, султондан хабар кел-мади.

Бобо Хурмони «Мозори қавон» гўристонининг бир чеккасига дафн этилди.

Осмонни сийрак қуларанг буаутлар қоплаб, иллик
 ёмғир эса бошлади. Бироқ йиғилган оломон – юз
 чоғли гадолар, мулаа мирқуруқ шоираар, хофиз ва
 машпоқлар – ҳеч ким жойидан жиммади.

Пунг дарвеш қабр тепасида ўтириб, узок тило-
 ват қилди. Унинг мунгли овози ҳали тинмаган ҳам
 эдики, қаердадир, яқинда, қабристон деворлари
 ортида, бошқа бир мунгли куй янгради. Во ажабо!
 Бу юракларни сеа қилгувчи най овози эди!..

Тиловетдан кейин ўрналиаридан энди турган
 одамлар, уст-бошлари шабабо бўлса ҳам, бу чаш-
 мадан тиник, ҳазин куйни эшитиб, жой-жойларида
 қотиб қолишди.

– Бечора Пири Букрий! – деди кимдир.

– Ақудан озмиш, шўрайк! – деди иккинчи биров.
 – Ғавағи дунё! Ақудан озса ҳам най чалишни
 унутмабдил! – деди учинчи биров.

Одамлар турнақатор бўлиб, Афшон сой томон
 жилишди. Малик уа-шароб билан Беруний қабрис-
 тон ортидаги мунгли куй туталунча жимгина қулоқ
 солиб ўтиришди, сўнг одамлар кетидан юриб, қа-
 бристондан чиқишди.

Иллик ёмғир ҳамон майдалаб ёвар, бироқ одам
 ёмғирдан қочғиси келмас, аксинча, осмонга қараб,
 аста ёғаётган иллик томчиларга юзини тутиб турғиси
 келарди.

Малик уа-шароб йўлда тўхтаб:

– Хар қадай, менинг унга раҳимим келади, – деди
 уф тортиб. – Пири Букрийни айтамен. Не бўлганда
 ҳам – бахтсиз одам!

У бошидаги қулоҳини олиб, юзидан ёмғир томчи-
 ларини артди-да, қалпоғининг йиртиғидан найча
 қилиб ўралган хат олиб берди. Бу – имом Исмондан
 келган жавоб бўлиб, у жуда қисқа эди. «Хуфтон чоғи
 сарбозларим сизларни тайинлаган жойингизда қу-

қолашлар. Фурусатни бой берманг. Шу кеча Абул Ҳаса-
 нава наққарлари расадхонани босиш эҳтимоли бор!»
 Беруний бегоқат бўлиб, Малик уа-шаробга қа-
 риди.

– Имом не депти? Яхши сўзми?

– Йўқ. Камина дарҳол расадхонага етиб бормоғим
 дегини! Қўлик⁵⁶ керак, Малик уа-шароб!

Ҳозир топамиз, азизим! – Малик уа-шароб
 шундай деди-да, нзма-из келаётган увада тўнли
 бир қаландарни чақириб, қулоғига алаанимаарни
 тинтирди. Қаландар қабристон томонга югуриб
 кетди-ю, зум ўтмай бўлиқ бир жийрон отни бошлаб
 келди.

– Минг афсусл – деди Малик уа-шароб қулимси-
 раб. – Шу бўлун бошимизга тушган бу қулафлар
 қалтмасин деб, бир косадан май ичмоқ умидида
 эдим, Абу Райҳон.

– Насиб қилса ичарминз. Омон бўл, Малик уа-шароб!
 – Таассуфлар бўлғайким, камина шунча йил
 қорат Ибн Синони бир кўриш орузида юрардим,
 насиб этмаган экан, кўролмадим. Саломим ва яхши
 ширинга. Омон бўл, Абу Райҳон!

Уларнинг назарида, кўнгилааридидаги ҳамма алам,
 қамма сўз айтилиб бўлгандай, айтиладиган дарду
 касрат қомагандай туюларди, бироқ видолашув
 онари яқинлашган сайин, изҳори ихлоос истаги,
 дардашиш тилаги тобора ортиб борар, тўё диллари
 тубидаги энг катта орузу-истаклар, энг ҳазин туйғу-
 лар ифодаси сўнги дақиқаларга қолган эди! Бироқ
 имом Исмон айтган хатаран дақиқалар тобора
 яқинлашмоқда, фурусатни бой бериб бўлмас, зотан,
 бу хатардан қўчимаянда ҳам, айтиладиган дарду
 касрат тутамас, буни иккови ҳам яхши англаар эди.

⁵⁶ От-Улов Матносида.

Беруний Абу Алига ўз «Хиндистон»нинг Сабуху кўчирган энг тиник нусхасини инъом этди, Ибн Сино эса «Ал-Қонун»нинг энг нодир кўраёмасини меҳр ва ихлос билан тутди.

Имом Исмоил сарбозлари, Беруний айтгандай, лаҳимдан чиққан жойдаги қалин арчазор орасида отларни шай қилиб туришарди.

Икки дўст, икки амаома бу онларнинг қайтиб келмаслигини, эндиликда дийдор кўришиш насиб этмаслигини бутун вужудлари билан ҳис этишар, шу боисдан ҳам, ўзларини канчалик вазмин тутмасин, жудоник туйғулари огушидан чиқолмас эдилар. Беруний биринчи бўлиб Абу Алини кучиб бағрига босди.

— Аввидо, азизим. Дийдор кўришмоқ насиб эт-маса рози бўл, житарим! Кимки сени хор қилган бўлса, ўзи хор бўлсин! Сени имом Исмоилга, имомни Амаоҳга тошпирдим, Абу Али!

Ибн Сино устозини кучиб, беихтиёр кўзига ёш олди.

— Каминадан гам еманг, устод! Сўзимга инонинг! Факир, кўп жафоларни кўра бериб кўса бўлаганмен, мен бутун ўз тақдирим эмас, сизни ўйнаб кўрқамени! Сиз каминани бу пинҳоний лаҳимдан қочириб, ўз бошингиз баалога қолмаса деб кўрқамен, устод! Эхтимол бир-икки ой имом Исмоил ҳимоятини бўлурсиз?

— Агар сен бирга бўлсанг...

— Э воҳ! Факир Исфахонга тезроқ етиб бормоғим лозим! Бирамчи, қора ўлат чангаида қолган Исфахон аҳлига ёрдам бермоғим даркор. Иккиламчи, ёшшни орзу қилган китобларим бори!

— Биламен. Одила шоҳдар тўғрисида китоб бошлангансен!..

— Мендан қуласиз, аммо одила шоҳдарни уаулаб китоб битмадингизми, устод?

— Не чора? Мен ҳам битганмен, Абу Али! Беруний, маънос қулимсираб, Ибн Синони сўнг бир кўчоқлади. Улар гўё бу дақиқаларнинг бетакрор ўлағлигини ҳис этгандай, узок жим қолишди, сўнг имом Исмоил сарбозларининг бестоқат ҳаракатларини бўйсуниб, кўчоқларини ёздилар.

— Омон бўлинг, устод. Бу яхшиликнингизни тоабал унутмаймен!

Беруний беихтиёр кўзига ёш олди.
— Оқ йўл! Бошинг тошдан бўлмай, азизим!

ХОТИМА

«Бүтүн түрт юз саксон биринчи йил хижрийи мухаррам ойининг ўн саккизи кунни аммомавар мажнисига кетган шайх, намози аср чоғи, кўлиди амакандай мактуб, қаттиқ хавжонда кириб келди. Фазнаи мунавварадан қайтгандан бери камини шайхни бу ахволда кўрмаган эдим.

Шу йил кўжамда Фазнаи мунавварадан сор-са-ломат қайтиб келганимиздан кейин сал ўтмай дорус-салтанатдан, султон Махмуд оламдан ўтди, деган, – Аммоҳ унинг қабрини юмшоқ қилгай! – со-вук хабар келган эди. Хабарни йўлмаган Хатмибе-тимнинг ёзишича, савр ойининг охирида бу дунёни етим қилиб, у дунёни мунаввар этган султон Бори Фирюзага дафн қилиниб, салтанатда кирқ кеча-ю кирқ кундуз мотам бошланган эмиш.

Бу хабарни эшитган амир Масуд ҳам бошдан-оёқ оқ либос кийиб мотам тутган ва эртасигаёқ кўшини тортиб, Фазна томон сафарга чиққан эди. Сафарга отланаркан, амир, юзида зоҳиран қайғу, ботинини қувонч, барча аъёну боёнларни саройга таклиф қилган, хатто, шайхни ҳам чакириб, хануз зиндонда ётган Қорақўзбегимни озод этиш тўғрисида амру фармон берган эди. Амир Масуд Исфахонни тари этгандан бери шаҳарда осойишталик ҳукм сурури, қора ўлаат ҳам даф бўлиб, шайх нодир кутубхонаси-ни тиклаш қомушлари билан банд эди. Уни фақат бир нарса қаттиқ ташвишга солар – устод Берунийдан хануз дарак йўқ эди!.. Шу боисдан шайхнинг кўлидаги мактубни кўриб, камини қаттиқ сескан дим. Аммоҳга шукур, устод Беруний саломат экан!

амр, мактуб устоднинг садоқати боқий шогирди, келадиган муаррих Абдулфазл Байҳақийдан бўлиб, унда амир Масуд бошлаган қатгу қирғинадар ҳикоя қилинган экан.

– Амир, ота фарзанди эмасму, дорус-салтанатга етиб бормасданок минг-минг кишиларнинг бошла-рини олинбди. Иккада вазир ҳам қата қилинбди. Улар эллаган бошни қилич кесмас деб, барча даш-вар, барча ганжни оайб, амирга пешвоз чиқсадар қам, унинг оёғини ўтиб йиғласадар ҳам, туноҳа-ридан кечмабди. Али Фарибни Нишопурда, ўз инисининг уйида, меҳмондорчилик чоғда чавақлаб ташлабдилар. Абул Хасанакни эса қарматий деб танқирининг рават ўйинидан кўрққулки! Хирот бо-ворида тошбурон қилдирибди! Дахшат! Мана, ўзинг ўзиб кўр. Мана бу ерини ўқи! – Шайх шундай деб, кўлидаги мактубни менга узатди.

Камини кўп хуснихат хаттоғларнинг дастхатини кўрганим, аммо Абдулфазл Байҳақийнинг дастха-тидан чиройли дастхатни кўрмаганмен.

Суас усулида ёзилган бу мактубда шундай сўз-ларини ўқидим.

«Абул Хасанакни дор тагиға, – бундай жазодан ўзинг асрагайсен, э, Яратган Эгам! – келтириб, уст-бошини ечишни амр қилдилар. Абул Хаса-нак, шавварини кўтариб, белини маҳкам боғлади, элтирган, аммо қимматбаҳо сиёҳранг жуббаси ва кўнгалгини ечди ва сурмаранг самласига кўшиб бир чекалга отди. Сўнг ёлғиз иштонда, қумушдай опшоқ тиниси ва кўҳлик чеҳрасини йиғилган омомонга на-моиб қилиб, дор тагида тўхтади. Омомон, гарчи Абул Хасанакдан яхшилик кўрмаган бўйса ҳам, унинг қонига тош тегмасин деб, токи камласини Бағдод қалласига инъом қилиб юбориш ниётида эдиллар, бошига темир ниқоб кийдирдилар.

Шундан кейин оломонга қараб, «тошбўрон қилинган бу иймонсиэзни!» деб амр қилдилар. Аммо раҳмдид авом, гарчи Абул Ҳасанакни ёмон кўрса ҳам, унга тош отишни истамади. Оломон орасидан: «Дорга осиналурғон бир шўрайликни тошбўрон қилишнинг не хожати бор? Ундан кўра дорга осинглар, тезроқ!» деган хитоблар эшитилди ва катта ғалаён бошланди. Аммо бозор майдонини қуршаб олган суворидар от суриб келиб, ғалаённи босдилар. Сўнг жамолдаар Абул Ҳасанакнинг бўйига сиртмоқ солиб, оёқлари остидаги курсини тегиб юбордилар ва яна оломонга қараб тошбўрон қилишни буюрдилар. Оломон яна сукут қилди.

Шунда гадоаларга пул улашиб, Абул Ҳасанакни тошбўрон қилишга даъват этдилар. Улар дорда пирираб жон бераётган Абул Ҳасанакка тош отдилар, аммо Абул Ҳасанак жон таслим қилиб бўлган эди. Жамолдаар унинг бошини танидан жудо қилиб, оёғидан дорга осиб қўйдилар⁵⁷ Абул Ҳасанакнинг Абул Саҳл Завзоний деган эски таниши бўлгуси эди. Бу одам ўша кўп нуфузли бек ва беқзодадарни меҳмонга чақириб, катта зиёфат берди. Май дарёдай оқиб, зиёфат айни қизилган чорда қопқоқлик олтин жом келтирдилар.

– Бу янги пишган мевалар, – деди Абул Саҳл Завзоний. – Мазасини татиб кўрайлик!

– Татиб кўрайлик! – дедилар меҳмонлар ҳам.

Олтин жомнинг қопқоғини олдидлар. Қарасалар, жомда... Абул Ҳасанакнинг қонга бўялган боши!

Дахшатга тушган меҳмонлар меҳмонхонани ташлаб қочдилар...

Қасосли дунё экан. Абул Ҳасанак, – Аммоҳ унинг гуноҳларини кечиргай! – аҳли мўминга кўп жабр

⁵⁷ Абулфаза Байхакнинг гувох беришича, Абул Ҳасанакнинг жасадни дорда етти йил осинаб турган, ҳеч ким уни дордан олиб дафн қилмаган.

келган эди, жазосини тортди. Жазосини тортмаган қатил авом маккор, ўзини ҳазрат Ибн Сино деб, қамовани, ҳатто, султони савотинни ҳам тўнаб, хуржун қуржун ганжини олаб қочган Абу Шиақим ибн Шахвоний қолди, холос. Айталдиарки, бурлага тула қўйган уа фирибгар Мовароуннаҳр томонларда қонун узини ҳазрат Ибн Сино деб, шўрайлик авомни тўнаб тортган эмиш...

Мактуб шу ерга келганда камини беихтиёр шайхга қаровдим. Шайх хаёлга толаб ўтирган эди, менинг қаратганимни кўриб ўрнидан турди.

– Дололар ҳақ, – деди шайх. – Бу кўҳна дунёда нимани жафро қилса, жафо, вафо қилса, вафо топ-қувдиар.

– Абу Шиақим ибн Шахвоний-чи? – дедим мен.

Шайх унинг номини эшитиб, хушнуд қулади.

– Ибн Шахвоний тақдири азалнинг ажаб жум-бони. Бу жумбоқни донолар ҳам ечишга ожизлик қилар! – деди шайх. – Устод Беруний ҳақ. Бу дунё устодларидан йироқ юрмоқ даркор. Дарҳақиқат, бу оламда мутлола ва мушоҳада бахтидан улкан бағе нуқ экан. Қўлингга қоғоз-қадам ол, ишга киришайлик, азизим! – шайх шундай деб, кутубхона ишга киришди.

(Абу Убайд ал-Жузжоний хотираларидан.)

Адабий-бадший нашр

ОЛИН ҒҶҶЕВОВ

КҶҶНА ДҶҶНЁ

Роман

Муҳаррир

Мадина МАҲМУДОВА

Бадший муҳаррир

Дидағза СОЛИҲҶЖАЕВА

Саҳифаловчӣ

Дидағра ЖҶРАБЕКОВА

Техник муҳаррир

Умидбек ЯҲШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 2 октябрда

Берилган.

Босишта 2018 йил 20.11 да руҳсат этилди.

Вичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 13,5. Шартгаи босма тобоғи 22,68.

Гарнигура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адағди 10000 (1 завод 3000) нусха. Буғуртма № 162.

Баҳоси кешишилган нарҳда.

*Янги аср авлоди, НММда тайёрланди ва чоп этилди.
100113, Тошкент, Чилонзор-8, Каттортоа кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўғлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўғлими – (98) 128-78-43; (93) 397-10-87;

факс – (71) 273-00-14;

е-май: yangiasravlod@mail.ru